Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 13 (20. 580) • 1990 йил 16 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЮКСАК ИШОНЧ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. ЎзТАГ мухбирларининг хабар қилишларича, сайлов округларида қуйидаги номзодлар рўйхатга олинди:

57-Чилонзор сайлов округидан — Чилонзор район халқ таълими бўлимининг мудири У. О. Файзиев ва Тошкент метро қурилиши трести бошқарувчиси Г. Я. Штерн.

* * *

59-Қатортол сайлов округидан — «Ташстройтранс» территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг техниги В. А. Крушельцкий.

* * *

134-Найман сайлов округидан — Андижон областидаги «Ямбол» совхозининг директори И. Қобулов ва Андижон область қишлоқ хўжалигини химиялаш ишлаб чиқариш-қидирув ишлари станцияси директори Х. Сатторов.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

* * *

253-Гулбоғ сайлов округидан — Задарё районидаги «Гигант» колхозининг бузоқбоқари О. Мамадалиева ва Наманган областидаги «Украина» совхозининг директори М. Эгамбердиев.

* * *

256-Свердлов сайлов округидан — Наманган районидаги Свердлов номли колхознинг бригадири Х. Қаҳҳоров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) директори Э. Қ. Ҳаитбоев ва республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасининг Наманган-даги механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Т. Ҳошимов.

Республика фаолларининг ЙИҒИЛИШИ

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). Бугун Литва ССР пойтахтида республика партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда Литва Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари билан ЛКП (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг аъзолари қатнашдилар.

Йиғилишда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг бир гуруҳ қатнашчилари иштирок этдилар.

● М. С. Горбачевнинг Шяуляй районидаги «Бридай» колхозида бўлиши.

● М. С. Горбачев Литва партия фаолларининг 13 январдаги йиғилишида нутқ сўзламоқда.

● М. С. Горбачевнинг Литва ижодий зиёлиларининг вакиллари билан учрашуви.

ТАСС телесуратлари.

ЎЗАРО МАНФААТ, ЎЗАРО МАСЪУЛИЯТ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

13 ЯНВАРЬ КУНИ ЛИТВА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Сизларнинг республикангизга келишим, Литва коммунистик ҳаракатининг иккала қаноти иштирок этаётган ушбу учрашувда қатнашаётганлигим, ўртоқлар, ҳали сизлар ҳис-туйғуларга берилиш ҳолатидан чиқмаганлигингизни, сизларда юз бераётган воқеаларни идрок этиш жараёнини ҳозирча тағин ҳам теранроқ ўзанга олиб чиқиш қийинлигини кўрсатмоқда. Шунга қарамай, биз барибир гаплашиб олишимиз керак, вақтни беҳуда ўтказиб бўлмайди.

Менинг бу сафарим мунтазам сафарлар доирасидан четга чиқади, албатта. У оддий тусда эмас. Агар бу ерда айни вақтда КПСС Марказий Комитети аъзоларининг группаси, бошқа республикаларнинг, маданият арбобларининг вакиллари қатнашаётганлиги ҳисобга олинса, бу вазиятнинг жўн эмаслигини таъкидлайди холос. Бизнинг республикада бўлишимиз ва бу ерда гаплашаётганлигимиз Литвадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ривожланиши, Литва Коммунистик партиясининг XX съезди қабул қилган қарорлар сабабли партияда, унинг турли отрядларида, аслини олганда бутун мамлакатда вужудга келган чуқур ташвишни акс эттиради. Бизнинг бу қадамимиз республика меҳнаткашлари, коммунистлари, жамоатчилиги билан кенг мулоқот олиб бориш негизида, Литва коммунистларининг ва бутун ҳолисининг кайфиятини чуқурроқ тушуниб етиш асосида вазиятдан чиқадиган йўлни топишга, КПССда ҳам, Совет Иттифоқининг ўзида ҳам марказдан четлашувчи кучлар хавфли ривожланишининг олдини олишга қаратилган.

Шуни айтишим керакки, ҳозирги пайтда жаҳонда, социализм мамлакатларида юз бераётган ҳамда инсоният цивилизациясининг янги босқичига чиқишга имкон берадиган барча ўзгаришларнинг марказий қисми — бу Совет Иттифоқидир, СССРдаги қайта қуришдир. У қандай ўтади, қаерга олиб чиқади ва қаерга олиб боради — кўп жиҳатдан жаҳон ҳам худди шунга боғлиқдир. Агар сизлар, ўртоқлар, мени лоф қилаяпти деб ўйлаётган бўлсангиз, айтиб қўяй: бу — кўпчиликнинг фикридир. Бу — шаклланган фикрдир. Сиз билан бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият тушди. Сизларни мамлакатдан ҳам, КПССдан ҳам, ўзимдан ҳам ажратаётганим йўқ. Бу ерда мунозаралар шу кунларда нақадар ўткир тус олмасин улар ана шу қайднинг адолатли эканлигини таъкидлади.

Халқнинг, миллатнинг, республиканинг энг муҳим муаммолари тўғрисида гап бораётганда Литва коммунистлари ва Литва меҳнаткашлари ҳамиша шуни ёдда тутишлари лозим, деб ўйлайман. Шугина эмас. Айтиб қўяй, республикангизга келганимдан сўнг мен буни яққол кўриб турибман — ҳаётимизни ҳамма йўналишларда, барча соҳаларда, иқтисодиётни, ижтимоий соҳани, сиёсий жараённи, маънавий манфаатларни қамраб олган ҳолда қатъиян ўзгартириш зарурлигини тушуниб етишда бизда тафовут йўқ. Партиянинг ўзини ҳам, федерациянинг ўзини ҳам ўзгартириш керак. Бу соҳада тафовут йўқ. Тафовут бошқа масалада — бу ўзгаришларни қандай қилиб амалга ошириш керак деган масалада пайдо бўлмоқда: ўзгартириш, янги сифат бахш этиш лозим бўлган нарсаларни вайрон қилиб, турли йўллардан бориш керакми? Ёки биргаликда ҳаракат қилиш, организмимизга куч бағишлаш, уни янгилаш керакми — шу масалада тафовут пайдо бўлмоқда.

Худди шу ўринда бизда бир-бирини тушуниб етмаслик бошланмоқда. Шу муносабат билан олдин айтган гапларимни такрорламоқчиман: мен бу ерга ўз қарашларимни тиқиштириш учун келганим йўқ. Шугина эмас: барча учрашувларда мендан сўзга чиқишни илтимос қилишганда: мен аввало одамларнинг гапини тинглашдан бошладим. Шу сабабли бу ерда сўзга чиққан ўртоқнинг мени Литвага одамларнинг гапларини тинглаш учун эмас, балки ўз нуқтаи назаримни тиқиштириш учун келган деб, қўйган айбини рад этаман. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳамма воқеа қандай юз берганлигини кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўлган ишчининг шундай фикр юритиши ақлга сиғмайди. Гўё менинг нутқларим, позициям унга маълум эмиш, уни қарангки, менинг нутқларим ва позициямдан гўё у чарчаган эмиш, унинг жонига теккан эмиш. Бу унинг ўз гапи эканлигига ишонмайман! Баъзи бировлар ишчилардан ғаразли мақсадда фойдаланмоқдалар. Кеча учрашувлардан бирида ўртоқлар минбарга кўтарилиб, қоғозга ёзиб берилганларни ўқиб беришганини кўрганимда шу ҳақда айтган эдим. Хафа бўласизми ёки хафа бўлмайсизми, бу менинг фикрим. Сизлар биласизлар, мен дилимдаги гапларни айтавераман. Биттасини ёзамиз, иккитаси дилда дейиш менинг мавқеимга тўғри келмайди. Менинг фикримга қўшилмаслигингиз мумкин. Лекин яна такрор айтаман: биргалашиб, мунтазам мулоқот олиб бориб, очиқ-ойдин ва бевосита гаплашиб, ҳаммасини ҳал қиламиз, ҳаммасини биргаликда уддалаймиз. Бунинг учун қайта қуриш чексиз имконият беради.

Бугун ҳарбийлар билан учрашувга кетаётганимизда бир группа гражданлар Литва ССР Олий Совети Президиумининг биноси олдида мен эшитишим учун бараварига Литвага озодлик керак, деб бақиришарди. Мен улардан: бу сўзни гўё гимн сифатида очиқ-ойдин бараварига такрорлаётган экансиз, эркин эмасмисиз, деб сўрадим. Сизлар ўз фикрингизни айтдингиз, мен уни эшитдим, идрок этдим. Менимча шунинг ўзи Литва диёрига эркинлик келганлигининг ва у қайта қуриш билан бирга келганлигининг реал белгисидир. Бинобарин, тушуниб олинг — қайта қуриш жараёни давом этган тақдирдагина, қайта қуришнинг ўзи бутун Иттифоқда чуқур илдиз отсагина эркинлик ҳам бу ерда илдиз отади.

Шу кунларда учрашувлар, суҳбатлар, баҳс-мунозаралар жуда кўп бўлди. Аслида бутун Литва билан гаплашдик, чунки бу учрашувлар, суҳбатлар (мен бу ерга келган бошқа ўртоқларни ҳам кўзда тутяпман) республиканинг 15 та район ва шаҳарларида 40 та меҳнат коллективлари билан бўлиб ўтди. Бунга йўл-йўлакай кўчаларда ва майдонларда бўлиб ўтган жуда кўп учрашувларни ҳам, телевидение орқали кўрсатилган учрашувларни ҳам қўшиш керак. Одамлар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўришлари ва кўрганларини яна бир бор идрок этишлари учун қисқартирмай, тўла тарзда кўрсатиш керак. Мана шунинг ўзи ҳам озодлик тўғрисидаги сафсата эмас, балки озодликнинг, чинакам эркинликнинг белгисидир! Озодлик ҳақида оғзини кўпиртириб гапираётган одам айни вақтда ўз газетасида қарама-қарши фикр билдирилган икки сатр чиқишига ҳам мутлақо йўл қўймаса, мени кечиринглару, бу қанақа озодлик? Бу сохта эркинликдир. Биз эса бизнинг фикримизга қўшиладиганларнинг ҳам, қўшилмайдиганларнинг ҳам нуқтаи назарини бутун Литвага, бутун мамлакатга етказиш учун ҳамма ишни қилдик.

Ана шу учрашувлар натижасида, партия Марказий Комитетининг декабрь ойида, Марказий Комитет Пленумида берган топширғини бажариш чоғида биз ана шундай гаплашиб олдик. Яна ўз нуқтаи назаримни, позициямни айтаяпман — мамлакатда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаммаси партияга ва барча халқларимизга маълум бўлиши керак. Мамлакатимиз — бизнинг уйимиз, Казимира Прановна Прунскене, сиз бу ерда айтганингиздек, мен ўзимни ҳозирча шу уйнинг даҳлизида турибман, деб ҳисобламайман. Ҳайрон бўлиб қолдим: Литвани каптархонага айлантиришмоқчими? Реал-ликдан қочиш, ёнида ишончли кишилар мададини сезиб туришдан қочиш, кейинчалик қаерга бориб қолганлигини ўзи ҳам билмайдиган қандайдир ўрта ҳовлига ўтиш — шуни орзу қилиш мумкинми, ахир!

Биз катта сиёсий юришни тугаллаяпмиз. Бу юришдан партия Марказий Комитетининг Пленуми узил-кесил хулоса чиқариб олади, хулоса чиқариш Пленумнинг вазифаси. Мен эса, азиз ўртоқлар, ҳаммангиз ҳозир ўзингиз бошлаётган бурилишга, танлаётган йўлга қайта қуришнинг умумий жараёнларидан ажралган ҳолда эмас, балки ана шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда яна бир бор назар ташлашингизга, вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо беришингизга кўндиришга урининг кўрдим. Менимча ана ўшандагина жамиятимизда, бутун улкан мамлакатимизда вужудга келган ташвишланиш ҳам, ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш, муҳолифликдан, ажралишдан қочиш истаги ҳам тушунарлироқ бўлади. Ажралиш бизга керак эмас.

Реал сиёсат билан шуғулланадиган кишилар тушуниб олишлари лозим: заррача бўлса-да ажралиш ёки миллатчилик ҳуружлари шундай муҳолифликни келтириб чиқарадики, бундай ҳоллардан бирида 1,5 миллион одам ҳаракатга келади, бошқа ҳолда эса бутун 50 миллион одам ҳаракатга келади. Халқимиз буни билиб олиши керак, билиб олсин. Мен комплекслар ва сийқа фикрлардан ҳоли бўлган, янгиликка, ҳаётнинг ҳаракатига мойил бўлган, мулоҳаза юритадиган одамларни ҳурмат қиламан ва ўзимни ҳам шундай одам, деб ҳисоблайман. Бундай фазилатлар ҳозир жуда зарур, акс ҳолда бу турмушни тушуна олмаймиз, тўғри сиёсат ўтказа олмаймиз. Мен олимларни ҳурмат қиламан, бинобарин улар хафа бўлишмасин, бу ерда қандайдир «Профессор концепциялари» деган гаплар янгради: рўйростлик, фикрларнинг хилма-хиллиги, демократия ҳам худди шунинг учун зарур.

Ахир бу бир томонлама ўйин эмас. Бугун ҳам айрим файласуфлар сўзга чиқишди. Мен файласуфларни ёқтираман, уларнинг фикрини, ақл-заковати диалектикасини кузатиб бораман. Хўш, фалсафа, концепция баён қилинди, ундан кейинчи, кейин нима иш қилиш керак? Шундан кейин сиёсат бошланади. Агар шунчаки концепциянинг ўзи бўлса — бу ақл-идрок ўйини. Арасту ёки ундан ҳам олдин Афлотун ва унинг шогирдлари каби оқ яхтак кийиб, боғда эркин мулоҳаза юритиш, фикрларни айтишдир. Лекин шундан кейин сиёсат бошланади! Сиёсат ортида, ундан ҳам нарида эса, чуқурроқ қаралса одамларнинг реал турмуши бор, уларнинг ўз манфаатлари, ўз ташвишлари, фазилатлари ва нуқсонлари бор — ҳаммаси манжуд.

Хуллас, ўз мулоҳазаларини ҳамиша , концепциядан, ақл-идрокнинг эркин ўйинидан бошлаб реал турмушгача, одамларнинг реал манфаатларигача давом эттириш керак, «эркинлик», «мустақиллик» ва шу каби катта тушунчалар билан ўйнашмаслик керак. Мутлақ эркинлик йўқ. Мутлақ мустақилликни ҳеч қаердан — ҳатто олти метрли телескоп орқали қараб ҳам тополмайсиз. Мутлақ мустақилликнинг ўзи ҳам йўқ. Дунёда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирига алоқадордир, ана шу алоқадорлик кучайиб бораверади. Сиёсатчилар ва олимларнинг жавобларини ҳам ана шу алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиб, излаш лозим, бошқа йўналишлардан қидирмаслик керак.

Шахсан менинг ўзим фан иштирок этмаса, сиёсат мураффақиятли бўлмайди, деб ҳисоблайман. Бундай сиёсат биз учун етарли! Бинобарин, биз қилаётган ишларнинг ҳаммаси қандайдир илоҳий кучнинг башорати эмас, балки доимо коллектив ижоднинг маҳсулидир. Ҳеч ким бунга даъвогар бўлмасин. Даъвогарликни динга ишонувчиларга қолдирайлик. Худди шунингдек мен аҳлоқ, маънавият, инсоний жиҳатлар бўлмаса, сиёсатнинг бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Технократизм, ишлаб чиқарувчи кучларни буйруқ билан жойлаштириш — ҳамма нарса равшан бўлиши учун бирнкки сўзни айтдим, холос. Тарихимизда бундай воқеалар бўлди, улар одамларга қанчалик қимматга тушганлигини биласизлар. Буларнинг ҳаммасини ҳозир зиммасига катта ваколат юкланган сиёсатчи сифатида, инсон сифатида тушунаман, бинобарин зиммамда ана шу ваколатларга тенг масъулият ҳам бор. Аммо мен халққа ва жамиятга тавсия этаётган ишларимизни охиригача пухта ўйлаб кўришни илтимос қиламан.

Баъзан, секин ҳаракат қиляпмиз, орқада қоляпмиз, тезроқ ҳаракат қилиш керак, деган гапларни эшитяпман. Сизларга очиғини айтаман: шошилмай ҳаракат қилганимизда ҳам, тўрт йил ичида шундай йўлни босиб ўтдикки, 70 йил ичида бундай йўлни босиб ўтолмаган эдик! Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, ҳатто шошилмай ҳамма нарсани ўйлаб кўрганимизда ҳам қайта қуриш давомида ҳам хаталарга йўл қўйдик. Бу хаталар қандай оқибат келтирганини биламиз. Тарихни, жараёнларни тезлаштириш мумкин эмас. Сиз билан биз юз бераётган воқеаларни қийинчилик билан тушуниб етаётган эканмиз ва кўпинча ҳис-туйғуларга берилиб кетаётган ёки таърифлашга тушиб кетаётган эканмиз, тажрибасиз одам бурилишнинг ана шу мураккабликларини, унинг хилма-хиллигини, янгилигини, миқёсларини тушуниб олиши қанчалик қийинлигини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Пировард натижада у ёки бу сиёсатни айни ўша одам, меҳнаткаш инсон тушуниб етиши ва қабул қилиши ёки рад этиши лозим. Шундай экан, қаёққа шошиласиз? Наҳотки сизни инсон қизиқтирмаса? Нима, яна «ўта қудратли қаҳрамонлар» фақат янги либосда, профессорлар ва академиклар кийимида пайдо бўлмоқдами? Олдин худо ана шундай қаҳрамон эди. У барча халқларнинг устози эди. Эндиликда бошқа қиёфадаги устозлар пайдо бўляптими? Қаттиқроқ гапириб юбордимми? Ҳа, қаттиқ гапирдим. (Залда жонланиш). Келинг бу гаплар сизларга эмас, бошқаларга даҳлли деб ҳисоблайлик. Хуллас, келинг, ўйлайлик, мулоҳаза қилайлик, таҳлил этайлик, қиёслайлик. Биз жуда кўп концепцияларни тиқиштириб келдик ва ана шу жараёндан халқнинг ўзини истисно этдик. Ҳозир биз муҳокама қилаётган эканмиз ва унда бутун Литва: коммунистлар, меҳнаткашлар, барча миллат вакиллари иштирок этаётган эканлар, — мен буни қутлайман. Мен фақат бир нарсадан тўла қаноатланмадим, шу кунларда сизлар, фақат сизлар эмас — бошқалар ҳам фақат ўз нуқтаи назарларини менга етказиш учун жон қуйдириб ҳаракат қилдиларингиз. Мен эса доим: келинглар мулоҳаза қилайлик демоқдаман. Чунки вазият шундай, биз мана бундай жойга келиб қолдик, мана бундай қилиш мумкин демоқдаман. Жараённи ушлаб тура оламизми ёки ушлаб тура олмаймизми? Келинглар, ўйлаб кўрайлик. Бу мулоҳазаларимиз бутун тугамаслигини истар эдим. Ҳозирча бизда шундай бўлмоқда: бировлар ўз «товарларини» ёйишди, бошқалар ҳам очиб қўйишди. Лекин бу ишни давом эттириш, бир-бирига пешвоз чиқиш керак. Ўзаро кар бўлиш, бир-бирининг гапига қулоқ солмаслик ярамайди. Зеро, ана шу мулоқот, фикрлашув узилиб қолмаслиги учун, келинглар, ўйлаб кўрайлик. Бинобарин, ана шу мулоқот, фикрлашув йўлига янги ғовларни солмаслик керак. Бундан олдинги ўн йилликларда вужудга келган ғовлар ҳам етарли. Ана шу ғовларни олиб ташлаш учун ақл-идрок талаб қилинади, шу сабабли янги ғовларни келтириб чиқармайлик.

Литва вазияти сизлар хафа бўлманглар, қисқароқ бўлиши учун мен шундай деб атадим, ҳар ҳолда у Кариб ҳавзасидаги танглик эмас, албатта — биз дуч келган ана шу вазият фақат республика аҳамиятига эмас, шу билан умумпартия, умумдавлат ва умумхалқ аҳамиятига молик. Гап шу мамлакатнинг тақдири тўғрисида, унинг ўрни, салмоғи ҳақида ва биз қайта қуриш деб атаган режаларни амалга ошириш тўғрисида бормоқда. Шу нарсани кўзда тутиш лозим: Литва Коммунистик партияси XX съезди якунлари муносабати билан биз дуч келган воқеаларни ҳамма нарса ҳаракатга келди ва бутун мамлакатга, ҳар биримизнинг манфаатларимизга дахлдор бўлмоқда. Шу боисдан ҳозирги босқични танг босқич деб атаяпмиз. Ҳар

(Давоми иккинчи бетда).

Шу боисдан сизлар билан биргаликда қайта қуришнинг мақсадлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчи эдим. Мен буни зарур деб ҳисоблайман. Аввало шуни айтмоқчиманки, принципиал, кенг, тарихий жиҳатдан қайта қуришни биз жамиятнинг марказлаштирилган авторитар моделидан ижтимоий жиҳатдан инсонга қаратилган демократик, инсонпарвар социализмга ўтиш деб қараймиз. Ахир бу бизни ажратиб юбора оладими? Йўқ. Бу ерда айни шундай гаплар айтилди. Айни КПСС мамлакат босиб ўтган йўлни ва у тушиб қолган аҳволни пухта ва холис таҳлил этиб, мамлакатда вужудга келган, жамиятни, социализм қадриятларини бузиб юборган ҳамда ҳунук ҳодисаларга, оғир фожиаларга ва маҳрумликларга олиб келган авторитар-бюрократик система улоқтириб ташланиши керак, деган хулосага келди. Бу система рад этилди. Чунки у инсонга реал ҳуқуқлар ва эркинликни, муносиб турмушни, жамиятга эса — зарур жўшқинликни, иқтисодиётга — самарадорликни таъминлай олмайди. Бу система мамлакатни танглик ҳолатига олиб келди — барча халқларга дахлдор бўлди, бинобарин биз буни кўра билишимиз ҳамда тафаккурда ҳам, сиёсатда ҳам, амалий фаолиятда ҳам янги босқичга чиқиб олишимиз керак. Қайта қуришнинг бошланғич нуқтаси ана шундай. Айтингчи, наҳотки булар Литва коммунистларига, Литва меҳнаткашларига маъқул бўлмаса? Бунинг нимаси маъқул бўлмаяпти? Мақбул бўлмайдиган ҳеч нарсани кўрмаяпман. Мен танг вазият деб атаган, бошимиздан кечираётган босқичнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Биз айни қарорлар қабул қилиш босқичига чиқдик. Митинглар бўлиб ўтди, чунки бир-биримизга айтадиган кўп гаплар тўпланиб қолган экан, лекин бир-биримизнинг гапимизга қулоқ солишни ҳам ўрганиш керак. Бунга ҳали ўрганганимиз йўқ. Лекин ўрганаяпмиз. Кейин ўзимиз қилган таҳлиллар ва чиқарган хулосалар негизида сиёсатни ишлаб чиқиш билан шуғулланишимиз лозим эди ва биз шундай қилдик. Қайта қуришнинг ана шу босқичларида иш осонроқ эди.

Эндиликда ҳамма нарса ҳаракатга келди ва бутун мамлакатга, ҳар биримизнинг манфаатларимизга дахлдор бўлмоқда. Шу боисдан ҳозирги босқични танг босқич деб атаяпмиз. Ҳар

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 13 январда Вильнюсдан Москвага жўнаб кетди.

Аэропортда уни ЛКП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, ЛКП (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. Астраускас, республика Министрлар Советининг Раиси В. Сакалаускас кузатиб қолдилар.

* * *

Кечқурун М. С. Горбачев Москвага етиб келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов ҳам Москвага қайтиб келдилар.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ҳолда, ўртоқлар, муаммолар ва чигалликларга қарамай, қайта қуриш олға томон ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, совет жамиятининг барча муҳим соҳаларида қайта қуриш жараёнлари бормоқда, деб қатъий айта оламиз. Қайта қуриш жараёнлари миллатлараро муносабатлар, маънавий соҳа, меҳнат коллективлари каби жуда мураккаб нозик жиҳатларга — жамиятнинг барча табақаларига дахлдор бўлди.

Жамоатчилик онгида қайта қуриш жараёнлари жўшқин, турлича кечмоқда. Ақл-заковатда фақат инқилоб юз бермай, шу билан бирга катта бесарамжонлик ҳам бўлмоқда. Мамлакатнинг сиёсийлашуви тез суръатлар билан бормоқда. Ўнлаб йиллар давомида мавжуд бўлиб келган ҳамда айтиш мумкинки, хизмат қилиш, мамлакатнинг, жамиятнинг, барча совет халқларининг манфаатларига жавоб бериш учун ортиқ ички энергияга эга бўлмаганлиги учун умри тугаган ўтмиш бошқарув системасидан ана шу ўтиш демократиялаш, ошкоралик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш доирасида амалга ошмоқда.

Бу демократиялаш, бошқарувни маҳаллийлаштириш, сиёсий ва иқтисодий усуллардан фойдаланиш негизида юз бермоқда. Ҳақиқатан ҳам жамиятимиз қисқа давр ичида, ҳатто бу ҳақда тарихий мезонларга қараб баҳо берганда ҳам, жуда ўзгариб кетди. Бинобарин, биз ҳозир энг теран ўзгаришлар арафасида, шу ўзгаришлар бўсағасида турибмиз. Иқтисодиёт мулкчиликка, ерга янгича қарашлар, корхоналар, меҳнат коллективлари ва шу кабиларнинг ҳолати базасида тубдан ўзгартирилиши керак.

Жараённинг барча жиҳатларини санаб ўтирмайман. Биз сиёсий ислоҳот йўлидан бормоқдамиз ва ҳозир республикаларда, жойларда ислоҳотнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Советлар реал ҳокимиятга, ваколатларга эга бўлиши жараёни давом этмоқда. Бу жараёни Советлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлаймиз.

Барча йўналишларда келажак учун жуда катта замин яратилмоқда. Лекин биз ҳамма нарса кескин, зиддиятли, қийин ўтаётганлигини, бир хил тушунилмаётганлигини, ҳамиша ҳам бирининг кетидан иккинчиси улгурмаётганлигини, бу эса қўшимча қийинчиликлар келтираётганлигини кўриб турибмиз, албатта. Чунки гап техника тўғрисида эмас, моторлар системаси ҳақида эмас, балки ўз иродаси, орзу-умидлари ва режалари, реал манфаатлари билан миллионлаб одамларни ўз ичига олувчи жонли организм ҳақида боряпти.

Бу борада, баъзилар ваъда бераётганидек, ишни бирор-бир хатосиз, қоқилмай-суқулмай олиб борадиган одамларнинг топилиши гумон. Бу бекорчи гап, агар Ленин ибораси билан айтадиган бўлсак, бу «оддий халқин алдашдир».

Жараёнлар қийин ва мураккаб кўчади. Лекин бу жараёнлар теран ўзгаришларга ва жамиятнинг янги сифатига олиб келади. Жамиятимиздаги қайта қуришга отланган барча тараққийпарвар кучларнинг жипслашуви ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам зарурдир, деган бўлур эдим, токи бу кучларни ажратиб юбориш, заифлаштириш ҳеч кимнинг қўлидан келмасин. Агар ҳақиқат томонида турадиган бўлсак, биз ўзимиз ҳам нуқсонлар ва хатоларга йўл қўйдик, мен бу ҳақда айтган эдим. Бу эса иқтисодий ўзгаришларни ҳам, сиёсий ўзгаришларни ҳам авж олдиришда муайян йўқотишларга олиб келди. Биз ижтимоий кескинликка дуч келдик. Беқарорлик қўринишлари, ижтимоий, хўжалик жараёнларини бошқаришда заиф жиҳатлар бор. Буларнинг ҳаммаси мавжуд. Лекин бу танлаб олган йўлимизни шубҳа остига қўймайди, балки орқага, эски усулларга қайтмай, ғайрат билан ҳаракат қилишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Қийинчиликларни рўкач қилиб, орқага қайтишни истаётганлар анчагина. Олдинга қараб ҳаракат қилишимиз, қайта қуришнинг барча жараёнларини қатъият билан олға суришимиз лозим.

Ҳозир қайта қуришнинг тарафдорлари ва мухолифларининг асосий кучлари тўқнашмоқда. Принцип эътибори билан қайта қуриш тарафдорларининг позициялари кучлироқдир, деб ўйлайман, чунки бу позиция бутун халқнинг туб манфаатларига мос келади. Лекин ҳозир қийинчиликларни неш қилиб, вақима кўтаришни истаётган, шундай қилиб қайта қуришга салбий муносабатни қарор топтириш, қайта қуришни сиёсат сифатида шубҳа остига қўйишга уринаётган кишилар томонидан хавф бор. Мен буни гапираётганимнинг боиси шундаки, мамлакат, жамият шундай даврни бошидан кечираётганида ва жаҳон аҳли Совет Иттифоқида нималар содир бўлишини кузатиб турганида сиз ўз ўрнингиз қандай бўлишини ва шундай шароитда қандай ҳаракат қилишингиз лозимлигини ўйлаб кўринг.

Бизда ўзгаришларни жадаллаштириш тўғрисидаги масалани қўйиш имконияти бўлмаган эди — зарур омиллар, яъни илмий ечимлар, қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий асослар ва бошқа асослар бўлмаган эди. Ҳозир эса ана шундай асослар пайдо бўлмоқда, шу яқин ойлар мобайнида биз амалда энг йирик қарорлар мажмуасини қабул қилишга киришамиз. Бу эса сиёсий ва амалий жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштиришнинг реал вазифасини қўйиш имкониятини беради. Бундан муддао — биз тарк этаётган системадан янгисига ўтиш даври қисқароқ бўлсин, ўтиш билан боғлиқ бўлган озор чекиш чўзилиб кетмасин. Чунки жамиятнинг бунга сабри етмай қолиши ҳам мумкин. Ана ўшанда бошқачароқ, ҳамиша бўлганидек оддий ва ўқиб олиш учун жуда содда бўлган «рецептлар» пайдо бўлади. Бу ўринда анжуманларга ҳожат қолмайди, шартта ҳал қилинади-ю, тартиб ўрнатилади. Тўғри, бундай «тартиб» бизга маълум, ўзимизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам бу борада тажрибаси бор.

Шунинг учун ҳам куч-ғайратларни бирлаштириш ва жипслик зарур. Фикрлар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, позициялар қанчалик турлитуман бўлмасин, биз турлича можароли вазиятларнинг пайдо бўлишига, авж олишига йўл қўя олмаймиз. Мамлакатда ижтимоий ёки миллий нифоқни авж олдиришга, айниқса сиёсий курашни авж олдиришга, ҳар хил баҳоналар билан жамиятни бўлиб ташлашга, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга уринаётган кишилар бизнинг асосий нишимизга жуда катта путур етказмоқдалар. Фақат гражданларнинг тотувлиги, баҳамжиҳатлик билан, манфаатларни келишиб олиш, қайта қуриш принциплари асосида, ана шу сиёсатнинг вазифаларини ҳал этиш ва мақсадларига эришиш учун куч-ғайратларни фаол бирлаштиришгина мамлакатни ҳозирги қийин аҳволдан олиб чиқиши мумкин. Бошқа ҳар қандай йўл қайта қуришга путур етказади. Биз бунга йўл қўя олмаймиз. Бинобарин қатъият билан ҳаракат қилишимиз лозим.

Қайта қуришдаги вазиятнинг, қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ишнинг мураккаблиги шундаки, бу юмуш неча ўнлаб халқлар яшаётган кўп миллатли мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу халқларнинг қайта қуришдан умиди катта. Шундай экан уларнинг ана шу орзу-умидлари рўёбга чиқиши керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир ўзгартириш тадбири миллий тус олади, халқлар, иттифоқдош республикалар, автономиялар ва бутун федерациянинг манфаатларига дахлдор бўлади. Шуни рўйрост айтиш керакки, ҳозир бизнинг кўп миллатли давлатимиз ўз бошидан масъулиятли ва оғир даврни кечирмоқда. Федерациянинг сталинча моделидан батамом ва узил-кесил воз кечиш ана шу даврнинг моҳиятидир, сталинча моделда эса федеративлик эълон қилиниб, унитарлик тиқиштирилган эди: федерациянинг сталинча модели ана шундайдир.

Бугун биз миллий масалани ленинча тушунишга қайтмоқдамиз. Интеграцияга, иқтисодиётда. илм-фан ва сиёсатда куч-ғайратларни бирлаштиришга интилиш миллий ўзлигини англаш ва миллий ўзига хосликни қарор топтиришнинг юксалишига сира зид бўлмай, бу юксалиш билан чамбарчас боғлиқ бўлишига қайтмоқдамиз. Бу бир-бирини мустасно этадиган жараёнлар ва мақсадлар эмас. Аксинча, булар бир-бирига узвий қўшиладиган ва бир-бирига мос тушадиган жараёнлар ва мақсадлардир. Бунинг устига худди ана шундай ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда, унисига ҳам, бунисига ҳам путур етади.

КПСС ўзининг миллий сиёсатида республикалар тараққиётининг самарали шаклларини қидириш ғоясига ҳамиша содиқдир. Ҳар бир республика социализмни янгилашга ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшиши мумкин. Иқтисодий тараққиёт моделлари, республика ва хўжалик алоқалари турларини ва ўзаро муносабатларни табақалаштириш реал тус олмоқда. Бундан буён эса федератив алоқаларнинг пухталигига ўтилади. Сизга маълумки, СССР халқ депутатларининг II съезди Олий Советга Иттифоқ ва республикалар ваколатларини белгилаб қўйиш масаласи билан дарҳол шуғулланишни топширди. Бундан муддао — мустақиллик тўғрисидаги масалани Конституция даражасида ҳал қилишдир. Шундай қилиб, ҳозир кўпгина баҳслар келтириб чиқараётган, Конституция тўқнашувларига олиб келаётган масала ҳал этилади. Бу ўринда гап қайси соҳаларда Иттифоқ қонунлари, қайси соҳаларда эса республика қонунлари устун туриши ҳақида бормоқда. Ҳозир, ахир, аҳвол шундайки, Иттифоқ гўё ҳар қандай масалани ҳал қила олади, шу боисдан ҳам марказда кимгадир ёқмапти, марказ хусусий масалаларни ҳал қиляпти, у барча ишларга аралашяпти, деган гаплар юрипти. Бу сиз билан биз кўриб турган нарсаларга олиб келмоқда ва биз бунинг оқибати қандай бўлганини биламиз. Биз сиз билан биргаликда ҳозир марказ деганимизда нимани тушунишимизни аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак. Шу кунларда мен сўзларингизни эшитиб турибман. Сиз кўп нарсаларни қаттиқ танқид қилмоқдасиз, лекин сиз кечаги кунни, кечаги сиёсатни, кечаги концепцияларни танқид қилмоқдасиз-ку, ахир. Биз эса барча йўналишларда бошқа йўлга тушиб олдик. Сиз жилмайиб туриб, ҳали ўзгаришлар бўлмади-ку, демоқчисиз-да. Лекин биз сиз билан сиёсатни шакллантирдик: бу сиёсат иқтисодиётга ҳам, иқтисодий мустақилликка ҳам, суверенитет, ваколат, федерация ва партияга ҳам дахлдордир.

Ўртоқ Прунскене бригадасига қуйидагича йўл тутиш мақбул бўлар эди албатта: улар айтган барча гапларни ўртоқ Маслюков ёки бошқа бирон-бир киши батамом қабул қилиши керак, сўзсиз қабул қилиши керак. Шундай қилинса ҳаммаси соз бўлади, ана ўшанда Иттифоқ ҳам соз бўлади. Аммо бундай бўлмайди-ку. Иттифоқда яна ўн тўртта республика бор. Иттифоқ ана шу республикалар қандай хоҳласа, шундай бўлиши керак. Биз шунинг ҳаракатидамиз, шундай бўлиши керак. Ҳали мақсадга етмадикми? Ҳа. Аммо шунинг ҳаракатидамиз.

КПСС миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашидек ленинча принципга содиқдир. Бу принципда ажралиб чиқиш ҳуқуқи ҳам бор. Бу конституцион нормадир, бу норма эски Конституцияда бор, аминманки, янгисида ҳам бўлади. Биз ана шу энг муҳим принципдан чекинмоқчи эмасмиз. Бу кўп миллатли давлатимиз учун жуда муҳимдир.

Конституциядаги ана шу қоидани жўн талқин этишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида учрашувлардан бирида гапирган эдим. Буни қарангки, қўл кўтариб масалани ҳал қилиш мумкин эмиш. Бехабар одамни-ку қўяверайлик, аммо тарихни, сиёсатни, реалликни биладиган одам бу масалалар шу таҳлитда ҳал этилмаслигини тушунади. Буларнинг ҳаммаси анча жиддийроқдир. Бугун биз ҳарбийлар билан учрашдик ва мен уларнинг оғзидан айрим рақамларни эшитдим. Болтиқбўйи ҳарбий округининг ўзигина Литвада 21 миллиард сўмлик асосий фондларга эга. Болтиқ флотининг қўмондони Ўртоқ Ивановнинг айтишича, Бўлтиқбўйи республикаларидаги флотнинг фондлари 35 миллиард сўмликдир. Ҳақиқат ана шундай. Ҳозир хавфсизлик ҳақида гапирмай қўяқолайлик, нима қилиш лозимлигини ўрганиш, таҳлил этиш кераклигини тушуниб турибсиз. Таъбир жойиз бўлса, концепциялар осмонидан, минбарлардан пастга тушиб, ҳаётга назар солиш керак. Айтайлик, бу муаммоларни келишув комиссияси билан муҳокама қилиш ва жараённи нормал, демократик йўсинда олиб бориш лозим.

Ажраб чиқиш муаммосининг чуқур иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, мудофаа-стратегик ва халқаро-жаҳоншумул сиёсий жиҳатлари бор. Иттифоқнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас, бу Иттифоқда барча республикаларнинг манфаатлари ўзаро боғланган бўлиб, ажралган ҳолда мавжуд эмас. Мен бу ўринда маънавий-руҳий, соф инсоний жиҳат ҳақида, турли миллатларга мансуб кишиларнинг қисмати ҳақида гапираётганим йўқ, ҳолбуки, сўзни худди ана шундан бошлаш лозим эди. Бирор бир халқ мустақиллик йўлини тутадиган бўлса, минг карра ўйлаб, мулоҳаза қилиш лозим бўлади. Ахир компассиз, харитасиз, ёнилғи запасисиз, командасиз мустақил сафарга чиқиб бўладими...

Нима бўлса бўлди деб халқни ташлаб қўяр эканмизда. Ана шу концепция муаллифлари гуруҳининг сузиб юрувчи музга ёки солга чиқиб олиши бошқа гап, уларни бир амаллаб қутқариб оламиз. Лекин халқни шу қўйга солиб бўлмайди. Ҳамма нарсани жуда пухта ўйлаб кўриш керак. Мен кеча деҳқонлар, ишчилар билан суҳбатлашдим. Улар бизга қараганда анча теран файласуфлардир. Уларнинг ақл-идроки жуда тиниқ! Агар биз уларга ҳамма нарсани гапириб берсак, нималар содир бўлаётганини гапириб берсак, ҳамма нарсани ўзгартириш учун нималар қилиш кераклигини сўзласак, одамлар, ҳойнаҳой ўйлаб кўришса керак.

Хуллас, КПСС федерация тарафдоридир. Чунки федерация қисқароқ йўл билан худди шу мақсадларга эришишга имкон беради. Дарҳақиқат, мақсадлар хусусида сиз билан бизнинг орамизда зиддиятлар йўқ.

Ҳар қалай, билишимча, ҳам партиядаги, ҳам Олий Советдаги раҳбариятнинг асосий состави шунга содиқдир, демак, ана шундай бўлади. Ана ўшанда сиёсий суверенитет, иқтисодий мустақиллик рўёбга чиқади, маънавий соҳа, маданият, тил бобида ҳам шундай бўлади. Шу таҳлитда аслида мавжуд бўлган алоқалар бойиб бораверади, шу принциплар асосида мустақиллик даражаси, бозор орқали айирбошлаш даражаси ва бошқалар ўзгаради. Буларнинг ҳаммасига барбод этиш, ажралиш йўлларида эмас, жипслашиш йўлларида эришилади.

Ҳозир Ўртоқ Бразаускас, ҳамонки Литва иқтисодий жиҳатдан мустақил экан, Компартия ҳам мустақил бўлиши керак, деди. Сизга шуни айтмоқчиманки, бу соҳта назарий тезисдир! Чунки иқтисодий мустақиллик деганда, ҳар қалай, айни вақтда Литва бутун мамлакатнинг таркибий ажралмас қисми деб, у барча республикаларнинг даврасида деб, тушунилади. Ҳаётимизга сингиб кетган республикалараро алоқалар Европа бозорига нисбатан ҳам чуқурроқдир! Сизга маълумки, айни вақтда у ерда миллий сиёсий муассасаларни, парламентларни... бунёд этиш жараёни бормоқда. Ҳозир эса ўзига хос конфедерация ёки федерация яратишдек сиёсий ғоя илгари сурилди. Яъни Европа бирлашмоқда.

Кўпгина жуда машҳур сиёсатчилар шу ҳақда гапиришмоқда. Бир учрашувда В. Жискар д'Эстен менга бундай деган эди: Олий Совет Раиси жаноблари, Ғарбий Европа федерацияси билан мулоқотга шай бўлинг. Уфқда ана шу давлат қиёфаси пайдо бўлмоқда. Чунки иқтисодиёт ортидан албатта сиёсат, худди ўша сиёсат юради, сира аксинча бўлмайди. Ҳа, пировард натижаларга кўз тутиш, тенг ҳамкорлик қилиш зарурлиги, яна ҳам самаралироқ меҳнат қилиш зарурлиги ана шу базис манфаатларига самалироқ хизмат қилиш лозим бўлган сиёсий устқурмага эҳтиёжни пайдо қилади.

Шуни айтишим керакки, федерация хусусидаги турлича шубҳалар ва сиёсий гумонларга реал асос йўқ. Тақрор айтаманки, биз ҳаммамиз ўтмишдаги тажрибани танқид қилмоқдамиз, жумладан мен ҳам сиз билан биргаликда шундай қилмоқдаман. Бу борада ҳам ўртамизда баҳолар ва хулосаларда фарқ йўқ.

Принципиал тафовут эса қуйидагичадир: биз федерацияни ўзгартириш, янгилаш, унинг бутун потенциалини рўёбга чиқариш керак, демоқдамиз, сиз эса, ҳатто федерациядан чиқиб кетиш лозим дейишгача бормоқдасиз. Тафовут худди шу ўринда бошланмоқда.

Бу, ўртоқлар, энг яхши йўл бўлмаса керак. Гарчи мен шу иборани тилга олган бўлсам ҳам, аслида КПСС Марказий Комитети ҳам, шахсан менинг ўзим ҳам Рим папасидан улуғроқ каталик аҳволига ёки сизлардан кўра кўпроқ литвалликка айлана олмаймиз. Литва халқининг қисмати тўғрисида мен сизга нисбатан кўпроқ ғамхўрлик қилаётгандайман. Ва ўзимни худди сизни камроқ безовта қилаётгандек тутяпман. Хуллас, масалани ўзингиз ойдинлаштиринг ва Иттифоқ давра столига ўз далилларингизни қўйинг. Шу муносабат билан биз иттифоқдош республиканинг Совет Иттифоқидан чиқиш механизми, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ҳатто СССРдан ажраб чиқиши механизми тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини жадаллаштиришимиз керак. Шундай механизм бўлиши керак. Ҳамонки шундай ҳуқуқ бор экан, уни амалга ошириш механизми бўлиши кераклиги ҳам равшандир. Бундай қонун ишлаб чиқилади, деб ваъда бераман, гарчи федерация зарур, федерация социализмнинг иккинчи умридир, деган позицияда қатъий турсам ҳам, шундай қонун ишлаб чиқилади, деб ваъда бераман.

Хуллас, ўртоқлар сиз мени тушундингиз, деб умид қиламан, бу гапларни бошқалар учун айтяпман, бунинг сизга дахли йўқ, демоқчи эмасман. Йўқ, бу ҳаммага дахлдордир. Совет Иттифоқидаги барча кишилар шу ҳақда ўйлаб кўришсин.

Жамият ҳозир жами миллатларга мансуб кишиларнинг тотувлигига ҳар қачонгидан кўра муҳтождир, келинг, шундай тотувликка интилайлик. Иттифоқимизнинг, совет миллатлари ва халқлари муштарак хонадонининг соғлом, тўлақонли ҳаёти ва равнақининг асосий шарти тотувликдадир, аммо сира Иттифоқни парчалаб, миллий хонадонларга тортиб кетишда эмас деб ўйлайман.

Жуда катта ўзгаришлар авж олиб кетгани туфайли биз партияга назар ҳам ўзгариши зарур, ниҳоятда зарур, деб рўй-рост айта оламиз. Партия тўғрисидаги масала бугунги суҳбатимизнинг ҳам моҳиятини ташкил этади. Чунки партияга ҳам қайта қуриш нуқтаи назаридан разм солиш керак. Биз шунга асосланамизки, ижтимоий турмушимизни янгилаш партияни янгилашни ҳам талаб этади. Партияни тубдан янгилаш керак. Бизга янги, тубдан янгиланган партия зарур. Мен яна ҳам қатъият билан аниқроқ айтган бўлур эдим: ўзгаришлар зарур, Ленин ибораси билан айтадиган бўлсак, социализмгагина эмас, партияга ҳам нуқтаи назаримиз ўзгариши керак. Яна бир гапни айтмоқчиман. Бизда, кўпинча, партияни мақтаётганлар ҳам, уни қойиётганлар ҳам гўё партиянинг ўзгармаслигига, қотиб қолганига асосланадилар. Ҳатто бугунги нутқларда, афсуски, ўртоқ Бразаускас нутқида ҳам партияда гўё ҳеч нарса содир бўлмади, деган фикр айтилди.

Аммо, биринчидан, партия қайта қуришни бошлади ва у ўзини ҳам қайта қурмоқда. Агар шундай бўлмаганида, сиз билан биз бу мавзуда гапирмаган бўлур эдик. Бу биринчидан. Иккинчидан — қани, ўртоқ Бразаускас айтсин-чи, Сиёсий бюро унга ишда ҳалал беряптимикан?

А. Бразаускас: Йўқ, ҳалал бермаяпти.

М. С. Горбачев: Ёки Купцов, Григорьев ўртоқлар, Россия ва Белоруссиянинг вакиллари ҳозир область партия ташкилотларида, республика Компартияларида масалалар қандай ҳал этилаётганини айтишсин. Кадрлар масалаларини, яъни асосий масалаларни коммунистларнинг ўзлари пленумлар мажлисларида ҳал этишяпти, ҳал этишганида ҳам бир секретарлик лавозимига 5-6 ва бундан ҳам кўпроқ номзодни кўрсатишиб, кейин бир ҳафта ёки бир ой муҳокама қилишиб, шундан кейингина сайлаб ҳал этишмоқда. Демократиянинг ўз моделлари пайдо бўлмоқда, партияни янгилаш юзасидан чуқур жараёнлар авж олмоқда. Янги программавий ҳужжатни тайёрлаш, янги уставни қабул қилиш учун биз ана шу тажрибани умумлаштиришимиз керак. Бу ишни пишиқ-пухта қилиш лозим, Партиямизни тубдан ўзгартириш, аввало уни демократиялаш йўли билан ўзгартиришга содиқлик жуда катта. Бу масалалар Сиёсий бюрода кўриб чиқилиб, Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумида кенг кўламда муҳокама қилингандан кейин, яъни яқин орада сиз буни ҳис этасиз.

Хуллас, ўртоқлар, биз катта ўзгаришлар арафасида турибмиз. Партиянинг ишида, унинг структурасида, унинг бутун ҳаёт фаолиятида ва жамиятдаги ўрнида катта ўзгаришлар бўлиши арафасида турибмиз. Сизга яна шуни айтмоқчиманки, агар ўртоқлар буни сезишмаётган бўлса, буни кўришмаётган бўлса ва яккаланиб олишга шошилиб, биқиқ миллий муҳитда озодликни қидиришаётган бўлишса, бу кулфат келтиради. Ахир бу озодлик эмас-ку. КПСС фикр юритиб, ўзининг пленумлари ва съездларида ишлаб, иттифоқ, сиёсат масалаларини, қайта қуришни бундан буён қандай ривожлантириш масалаларини ҳал этаверади. Худди ана шу вақтда ўртоқ Бразаускас эса биз қандай масалаларни ҳал этганимизни ва шу муносабат билан Литванинг тақдири қандайлигини газеталардан ўқиб билади. Ғаройиб вазият! Наҳотки шундай бўлишини ўйлаб қўйишган бўлса? Ўртоқ Вилкас, сиз Олий Совет мажлисига қатнашиб, комиссияга бош бўлаверасизми?

Э. Вилкас: Майли, масалаларни ўша ерда ҳал қилишаверсин.

М. С. Горбачев: Унда, умуман, партиянинг нима кераги бор? Ёки сиз аввало уни шу ерда дафн этиб, сўнгра бу тажрибани бошқа жойларга ҳам татбиқ этмоқчимисиз? Шундай бўлса, айтинг-қўйинг-да. Биз партиясиз яшай олмаймиз, бунинг устига бизда янги партиялар ҳам пайдо бўлмоқда. Ҳа, партиясиз яшай олмаймиз. Бутун жаҳонда ва ҳар қандай жамиятда партиялар бор ва бундан буён ҳам бўлаверади.

Тўғри, кўп партия бўлиши омон сақлайди, деган афсона бор. Сизга айтсам, разм солиб кўриб шундан воқиф бўляпманки, баъзилар партияларнинг кўп бўлиши орқали, янги муассасалар очилиши орқали кўпроқ лавозимларга эга бўлишгагина уринмоқдалар. Ҳа, энди, халққа кейин тушунтириб берармиз, бир амаллаб чеклаб қўярмиз, қабилида иш тутмоқдалар. Энг асосийси — мансаблар кўпроқ бўлсин, кейин эса бир-биримиз билан мусобақалашамиз, деб ўйлашмоқда. Биз эса бу мансаблардан нарироқ туришимиз керак, булар аксинча камроқ бўлиши лозим. Мансаблар ва нутқбозликнинг кўплиги — ҳали бу демократия эмас. Биз ўнталаб — йигирматалаб партиялар мавжуд бўлган, аммо диктаторлик режимлари ҳукмронлик қилган ўнлаб давлатларни биламиз. Шу давлатларнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргача ана шундай режимлардан озод бўлгани йўқ. Ҳамма нарса, ўртоқлар, сиёсий ҳокимият режими билан, ижтимоий манфаатларни жамлаб акс эттирадиган ва етказиб берадиган демократия даражаси, сиёсий жараёнлар билан, структуралар, ижтимоий фикр ва ижтимоий ҳаракатларнинг фаолияти билан белгиланади.

Агар демократик муҳит, ошкоралик бўлмаса, ҳеч ким ҳеч қандай манфаатларни акс эттиримайди ва рўёбга чиқармайди. Сиз билан биз эса демократиялаш, ошкоралик йўлига, маҳаллийлаштириш йўлига ўтдик, бу халқнинг ўзини барча жараёнларга жалб этиш имкониятини беради. Ана шу саволларга жавоблар шундан келиб чиқади.

КПССни янгилаш стратегияси барча ижтимоий-сиёсий уюшмалар билан вазифаларни, ўзаро муносабатларни белгилаб қўйиш негизида партиянинг ўрнини, унинг совет жамиятидаги ролини принципиал ўзгартиришдадир. Бу партияни беайбликдан, ҳамма нарсага раҳбарлик қилаверишга даъвогарликдан, сиёсий монополизмдан ҳоли этиш демакдир. КПСС халққа хизмат қиладиган, ўз сиёсатида унинг манфаатларини амалга оширадиган ва халқнинг демократик назорати остида бўладиган партия бўлиши керак. Бошқача айтганимизда, партия халққа хизмат қилиши керак. Бу сиёсий куч, ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини ўзи ривожлантирадиган ва янгилайдиган ташкилот бўлиши лозим. Партия назарий изланишлар учун ҳам, сиёсий мунозаралар учун ҳам, позицияларни таққослаб кўриш учун ҳам очиқ бўлиши лозим. Ёки партиянинг ўзидаги демократик жараёнлар қайта идрок этилиши лозим демакдир. Демократик централизм принципининг ўзи ҳам қайта идрок этилиши лозим.

Партияни қайта қуриш, ўртоқлар — агар уни янгилаш моҳиятини бир жумла билан ифодаламоқчи бўлсак — партияда партиявий омманинг ҳокимияти тантана қилиши лозим, деган ленинча ғояни амалга ошириш йўлидан боришимиз зарур. Партиявий омма ҳамма нарсани шакллантириши, бошланғич партия ташкилотлари ўз комитетларини, ўз раҳбарларини бюро орқали эмас, бевосита сайлашлари керак. Бошланғич ташкилотлар район, шаҳар комитетларини тузишлари ва бу комитетлар ишига таъсир ўтказишлари, делегатлар сайлашга, ҳатто Марказий Комитетга делегатлар сайлашгача таъсир ўтказишлари керак.

Ҳамонки шундай экан, нега энди ажралиб чиқмоқчисиз, деб сўраш жоиз бўлади. КПСС съездига ўз делегатларингизни шу таҳлитда сайлашингиз ва ўша ерда ҳар қандай масалаларни, ҳатто Бош секретарь ёки партия раиси тўғрисидаги, Сиёсий бюро ёки президиум... тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқишингиз мумкин. Ниҳоят, янги уставда иттифоқдош республикалар Компартияларининг янги мавқеини акс эттиришимиз керак. Бу ҳақиқатан ҳам жуда катта имкониятларга эга бўлган мустақил Компартиялар қандай бўлишини белгилаб қўядиган бўлим бўлиши лозим. Хўш, биз аъзолик бадаллари хусусида ёки партия аппаратининг тузилиши қандай бўлиши ва уларда қанча одам ишлаши, нашриёт фаолиятини қандай олиб бориш хусусида буйруқ бериб ўтирамизми? Йўқ, янги уставда буларнинг ҳаммаси бўлмайди. Ушанда бир савол пайдо бўлади: буларнинг ҳаммаси амалга оширилса, агар Компартия партиявий раҳбарликнинг барча соҳаларида вакиллик қиладиган бўлса, ҳамма жараёнларда иштирок этса, мустақиллик учун яна нима керак? Демак, бу ҳолда ҳамма нарса жо-бажо бўлади. Аммо ана шундай иштирок туфайли иттифоқдош республикалар барча Компартияларининг мадади ҳам йўқолиб кетмайди. Шу муносабат билан бугун бу ерда кимдир айтганидек, сўзимни умидбахшлик билан якунламоқчиман. Хуллас, шу кунлар зое кетмади, деб ўйлайман. Ҳа, зое кетмади. Бу кунлардаги воқеалар ошкора кечди. Бутун мамлакат, бутун олам кузатиб турди. Шунинг учун ҳам сиз билан биз қатори, ўртоқлар, бу кунлар бошқаларга ҳам зое кетмади, деб умид қиламан. Ушбу кунлар ҳаммамиз учун ибратли бўлди. Биз бу ерда бир-биримизга қатор-қатор талаблар қўйганимизга қарамай, ҳар қалай, бундан буён эндиликда партия Марказий Комитети Пленуми доирасида мулоқотни давом эттириш учун яхши негиз қўйдик ва саволга жавоб топамиз, деб умид қиламан. Литва Компартиясининг ва КПСС позицияларида турган шу Компартия қисмининг — мен Литва Коммунистик партияси эндиликда КПСС позицияларида турмаяпти, дейишни истамайман, бунга сира-сира тилим бормайди. Уларнинг хавотирлиги ва манфаатларини ҳисобга олиш учун нима қилиш керак, деган савол пайдо бўлади. Мен, ҳар қалай, ўзимни партиядош ўртоқларим орасида, деб ҳис қиляпман. Ҳа, шундай деб ҳис қиляпман. Назаримда, биз сиздан, агар таъбир жоиз бўлса, икки қанотдан розилик олиб, КПСС Марказий Комитети раҳбарияти ҳам, сизнинг раҳбар органларингиз ҳам мулоқотни давом эттириш ҳақида ўйлаб кўришимиз ва Марказий Комитет Пленуми иштирокида етилган эҳтиёжларни акс эттиradиган ва айни вақтда КПССни заифлаштирмайдиган йўлни топишга уринишимиз керак.

Ўзингизнинг барча таклифларингизни, ҳатто масала жуда ўткир қилиб қўйилган таклифларингизни ҳам партия XXVIII съезди кўриб чиқиши учун тақдим этинг. Ўртоқларга, сизнинг бюронгизга ўйлаб кўриш имконияти бор — улар Пленумга ўз таклифларини олиб келишсин ва уларни айтишсин. Шундай таклифлар борлигини биламан. Шунинг учун ҳам ана шу таклифлар Пленумга олиб келинади, деб умид қиламан. Хуллас, ўйлаб кўрайлик ва катта масъулиятни зиммага олиб иш тутайлик. Биз қайта қуришнинг шундай босқичига чиқдик ва шундай қарорлар қабул қиляпмизки, хато қилишимиз мумкин эмас. Хато халқларимиз учун, бутун социализм иши учун, тинчлик тақдири учун жуда қимматга тушган бўлур эди. Мен ана шу ҳамкорликдан умидворман. **(Қарсаклар).**

* * *

Савол: Сиз Совет Иттифоқида бир партияли система тарафдоримисиз ёки кўп партияли система тарафдоримисиз? Шулардан қай бири демократиялаш жараёни учун яхшироқ кафолот бўлади?

М. С. Горбачев: Мен нутқларимда бу саволга жавоб бердим, деб ўйлайман. Ҳамма нарса сиёсий жараённинг бориши билан белгиланади. Агар кўп партияли система жамиятнинг реал манфаатларига кўра пайдо бўлиб, шу манфаатларга жавоб берса, буни сира фожиа деб билмайман. Шуни айтишим керакки, революциядан кейин биз ҳукумат ва Бутунроссия марказий ижроия комитетини кўп партиялилик асосида тузган эдик. Демак, бўридан қўрққан тўқайга кирмас, деганларидек, кўп партиявийликдан чўчимаслик керак. Лекин буни сунъий тарзда тиқиштирмаслик ҳам лозим. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, кўп партиявийлик ҳар қандай фалокатдан қутқарадиган восита эмас. Энг асосийси — демократия, ошкоралик-дир, халқнинг барча сиёсий, ижтимоий жараёнларга ва муассасаларга жалб этилиши ва реал иштирокидир. Акс ҳолда, бу партиялар ўзларининг сиёсий ўйинлари билан халқни чув туширib алдаб кетишлари, тарихнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган халқни сиёсий жараёндан ва реал халқ ҳокимиятидан нари суриб қўйишлари мумкинки, бу бизга сира тўғри келмайди, албатта.

А. Бразаускас: Ҳурматли Михаил Сергеевич, ҳурматли Сиёсий бюро аъзолари, ҳурматли меҳмонлар! Биз бугун қарийб тўрт соат мобайнида жуда мураккаб, жуда ўткир масалалар хусусида гаплашдик. Бу суҳбат, ҳатто кўп жиҳатдан бир-биримизга тушунарли бўлмади, деган бўлур эдим. Аммо кўп жиҳатдан тушунарли ҳам бўлди. Чоғроқ республикамиз ҳаёти, бу ердаги ишларимизга дахлдор таъналар, шубҳалар ҳақида яна тўхталиб ўтирмайман. Бизнинг давлатимизда масалалар ва муаммолар кўп, албатта. Республикамизда умумиттифоқдаги сингари муаммолар ҳам, ўзимизга хос бошқа муаммолар ҳам бор. Шундай бўлиши мумкин ва шундай эканлиги тушунарлидир.

Шу ҳафта мобайнида кўп нарса ойдинлашди. Назаримда, бир-бирини кўпроқ, бир-бирини яхшироқ ва бир-бирини ҳар томонлама тушуниш асосий мақсад эди, албатта. Агар шунга эришган бўлсак, бу жуда соз. Агар эришмаган бўлсак, яхши эмас. Назаримда, ҳамма нарсани тушунишга муваффақ бўлинмади. Аммо республикамизда қилинаётган анчагина ишларни ҳойнаҳой тушунишга муваффақ бўлинди. Биз Литва Компартиясида ва шу муносабат билан КПССда вужудга келган вазиятн

МАСЪУЛИЯТ—ТЎҒРИ ҚАРОРЛАРНИНГ НЕГИЗИДИР

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Шяуляй ишчилари билан учрашувлари

12 январь куни кечқурун М. С. Горбачев Шяуляйдаги «Таурас» телевизион аппаратлар заводи меҳнат коллективи вакиллари билан учрашди. Учрашувни завод директори Р. Вирбицкас очди. Шундан кейин Литва Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, КПСС ҳаракат дастурига амал қилаётган ЛКП Марказий Комитети муваққат Бюросининг секретари М. Бурокявичюс, йиғувчи слесарь В. Сафонов, инженер-конструктор Н. Лучик, завод партия комитети секретари А. Ивашкявичюс, инженер-технолог А. Пушкарев, слесарь З. Карпавичюс, меҳнат коллективи кенгашининг раиси С. Улчинас, радио аппаратлари созловчиси Э. Петраускас, «Банга» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Л. Янкаускас, ЛКП Шяуляй шаҳар комитетининг секретари М. Стакилявичюс, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи ЛКП Шяуляй шаҳар муваққат комитетининг секретари В. Бакулин, «Банга» институти инженери В. Курклетис сўзга чиқдилар. Мулоқот икки соатдан кўпроқ давом этди, ушбу суҳбат чоғида Литвадаги аҳволга боғлиқ бўлган, шу билан бирга республика доирасидаги мавзудан четга чиқувчи кенг кўламдаги муаммолар хусусида гап борди. Бутун мамлакатнинг иши, партиянинг, совет федерациясининг бугуни ва келажаги ўткир тарзда муҳокама қилинди.

Учрашувда **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади.

* * *

Шу икки кун мобайнида мен анча гапирдим, бирон бир нарсани илова қилиш мушкул кўринади. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, мен диалектик тафаккурга содиқ, ҳаётни маромига қараб ўзгаришлари билан ва айни вақтда принциплар нуқтаи назаридан қабул қиладиган кишиларданман, мен ўз қарашларини қўлқопга ўхшаб ўзгартириб турадиган одамлардан эмасман. Шунинг учун қайтариқлар муқаррардир. Чунки мен кеча ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам шу йиллар ва шу кунлар рўпарангизда қандай одам сифатида пайдо бўлган бўлсам, шундай инсон бўлиб қолавераман. Бу ўринда гап фақат пайдо бўлаётган масалаларга ва давлатимиз — мураккаб, қизиқарли, алоҳида диққат-эътиборни, қарашларнинг кенг кўламини, теран ақл-идрокни ва буюк масъулиятни талаб этадиган нотинч жамият тараққиётидаги муаммоларга жавобларни синчиклаб қидириш тўғрисида бўлиши мумкин. Қадимги греклар бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди, дейишган экан. Ҳамма нарса ўтиб кетаверади, ҳамма нарса ўзгараверади. Содир бўлаётган барча воқеаларни қабул қилиш ва шу асосда одамга нафи тегадиган, унинг турмушига файз қўшадиган, уни асл инсонга айлантирадиган, уни улуғлайдиган барча илғор омилларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ва рағбатлантириб, билимни ошириб бораверишга, келажак ҳақида ўйлашга бағри очиқ бўлиш керак. Айни вақтда бузғунчилик тусидаги, жамиятни айнитадиган тенденцияларни жиловлаб туриш даркор. Ойдинлаштиришим лозим бўлган масалаларга ўтиш учун шу муқаддима менга зарур эди.

Мен зал аҳли фақат бир фикрни маъқуллашга шай бўлиб турганини сезиб турибман. Бу мажлис аҳлининг катта камчилигидир. Чунки у ҳозир фикр юритаётгани йўқ. Балки ҳукмини ўтказмоқчи. Мабодо, рози бўлмаган одам пайдо бўлиб қолса — борингки, у дурустроқ гапира олмаган бўлсин, борингки, у жиддий далилларни тақдим этиш учун ҳали етилмаган деб ҳам қўя қолайлик — худди шу одамни шовқин-сурон кўтариб, чапак чалиб, бақириб-чақириб минбардан туширишга юборишга уринадилар. Бу мазкур мажлис аҳлининг камчилигидир. Менинг муносабатимни ахборот учун қабул қилиб олинг, одамлар билан рўй-рост гаплашаман — иш услубим ана шундай. Мен эса сизлар билан биргаликда фикр юритиш учун келганман. Гарчи ўз қарашларимни тақдим этсам ҳам, бу қарашларни тиқиштирмоқчи эмасман. Аммо мен сизни ҳаяжонга солаётган масалаларни ҳам тингламоқчиман.

Ҳаёт жўш уриб турибди, ҳис-туйғулар жумбушга келган, бу ерда, Литва заминида сўнгги ўн йилликлар мобайнидаги бутун ҳаётимиз аслида қайтадан идрок этилиб, ҳақиқатан ҳам теран жараёнлар кечмоқда, мен ана шуларнинг ҳаммасини жуда муҳим сигнал деб биламан. Қандай яшадик, қаерга келиб қолдик? Бизнинг идеалларимиз мўлжалимиз ва орзуларимизга мос бўлиб тушдими ёки орзулар батамом ушлаб қолдими? Биз олға қараб анча силжиганимизни рад эта олмаймиз. Мен бу ўринда бундан қирқ йил муқаддам Литва қандай бўлган эди ва ҳозир у қандайлиги хусусида бир қанча рақамлар, фактлар ва далилларни келтиришим мумкин эди.

Шунинг учун ҳам «қашшоқ» деган ва шунга ўхшаш жарангдор истиоралар асаби қақшаган кишиларга, бехабар кишиларга мўлжалланган-дир. Бундай гап-сўзлар кўп. Митингбозлик эҳтиросларидан ҳеч қутила олмаяпмиз, ҳолбуки, қутулиш вақти келди. Нега шундай вақт келди, деб сўрарсиз. Бунинг боиси шундаки, эндиликда сиёсат бор, ана шу сиёсатни рўёбга чиқариш учун амалий иш бор. Бунинг учун ақл-идрок, ўй-мулоҳаза, изланишлар талаб этилади. Аммо ҳозирча ҳаммамизга ана шу нарсалар етишмай турибди. Мен мамлакатимизда шу йилларда рўёбга чиққан барча яхши ишларга ҳам, юзага чиқмаган юмушларга ҳам, бир жойда депсиниб туришларга ҳам дахлдорман. Шундай қилиб, барча нарсага ўз лавозимим, ўз мансабим нуқтаи назаридан эмас, балки муштарак жавобгарлигимиз нуқтаи назаридан қарайман.

Хуллас, «эркинлик», «мустақиллик», «суверенитет» сингари катта тушунчалар тилга олинмоқда. Баъзан бу тушунчаларнинг маъзини ҳам чақиб кўришаётгани йўқ. Озодлик, мустақиллик, суверенитет деган сўзлар шунчаки оғизга олинадиган бўлиб қолди! Бу ўзига хос тамал тошига ҳам айланди: сен озодлик тарафдоримисан ёки қаршимисан? Сен мустақиллик тарафдоримисан ёки йўқми? Сен суверенитет тарафдоримисан ёки йўқми? Агар хўп десанг, демак ўзимизнинг одамсан. Агар шу хусусда муҳоҳаза юрита бошласанг, унда ўзимизнинг одаммисан ёки йўқми, буёғини ўйлаб кўриш керак бўлади. Шу тахлитда бизга ўша машъум даврни тиқиштирмоқчи бўлишяпти. У даврдан қадамимиз узилган, аммо ана шу катта, муқаддас тушунчаларни рўкач қилиб, яна ўша даврга қайтиш мумкин. «Йўғ-э, йўғ-э» — дейишгани-дейишган. Шу тахлитда кетадиган бўлсак, ўтган даврга қайтиб қолишимиз мумкин. Қайтиш оқибатида эса катта талафотларга дуч келишимиз мумкин.

Мамлакатда ҳеч ким, мен озодликка қаршиман, демайди. Бундай дейиш учун ақли норасо бўлиш керак. Давлат, халқ, миллат ҳақида гап бораётган бўлса, «мустақиллик» атамаси нотўғри ёки ножоиз деб ким айта олади? Ҳеч ким айта олмайди, албатта. Аммо шиорлар эълон қилинганидан кейин амалий фаолият билан уларни рўёбга чиқаришга киришилади. Хўш, ана шу маъзи тўқ шиорларни қандай қилиб сиёсатга айлантириш, шу шиорларга кўра ўзгариб бораётган ҳаётга татбиқ этиш мумкин? Бу ўринда ҳеч нарсани жўнлаштирмаслик керак. Бизда баъзан қуйидагича муҳоҳаза юритадилар: ҳа, энди, митингда кимдир, нималардир айтса-айтибди-да, унинг нияти ёмон эмас эди, у шунчаки, гапириб қўя қолган, дейишади. Ҳозир, ўзи таомил шунақа эмиш, акс ҳолда ҳеч ким сенга эргашмас эмиш. Менинг мавқеим «бундай ашула» нечоғли жарангдор бўлмасин, унга жўровоз бўлишга йўл қўймайди, мулоҳаза юритишни талаб этади. Ҳар қалай, умуман мулоҳаза юритиш ҳар бир кишининг бурчидир.

Мулоҳаза юритиб мен қуйидаги қўнимга келдим. Озодлик яхшику, аммо ким озод бўлиши керак, кимдан озод бўлиш керак, коллективда, шаҳарда, республикада, Иттифоқда ва дунёда яшаб ва меҳнат қилиб, озодликни қай йўсинда рўёбга чиқарса бўлади? Ана шу ўзаро алоқаларни уқиб олмасдан туриб, ўзини ана шу оламнинг таркибий қисми деб ҳис этмасдан туриб, ҳеч нима чиқмайди. Яккаланганда, сунъий муҳит пайдо қилинган шиша идиш ичида ҳеч нарса содир бўлмайди. Шу тахлитда бир одамнинг озодлиги кўпчиликнинг озодлигига айланади ва буни қўшиб олиб боришга ўрганиш керак. Бошқа йўл йўқ. Конкрет ҳаёт, конкрет жамият доирасида у ёки бу ғояни амалга ошириш шаклларини излаб топиш керак. Агар мулоҳаза юритмай, фақат қўл паншаҳа қилинаверса, иш фақат қўлни паншаҳа қилиш ва қаллоблик билан чегараланиб қолади.

Мустақиллик хусусида ҳам худди шуни айтишим мумкин. Биз колхозда суҳбатлашган эдик. Тўғри, у ерда колхозчилардан кўра Шяуляйдан келганлар кўпроқ эди, колхозчилар бир неча оғиз гапиришди, тўғрироғи уларнинг номидан ранс сўзлади. Бошқа ҳаммаси, жумладан шиорлар ҳам — бу ерда шаҳар партия комитетининг секретари шу ҳақда гапирди — колхозга шаҳардан олиб келинган эди. Аммо мен бундай қилдим: шиорларни овозимни чиқариб ўқидим. Кейин шиорларни туширишни ва суҳбатни бошлашни таклиф қилдим. Дарҳақиқат, ҳамма шиорларни туширишга кўйишди ва суҳбат бошланди. Биз кўп мавзулар хусусида, жумладан мустақиллик ҳақида мулоҳаза юритдик. Мустамлакачилик салтанатлари инқирозга учраганидан кейин қанчаданқанча мамлакатлар мустақилликка эришдилар? БМТ аъзолари орасида 150 та ана шундай мамлакат бор. Хўш, шулардан қанчаси чинакам мустақилликни қўлга киритди? Мустақилликни эълон қилиш бошқаю, чинакам мустақилликка эришиш бошқа. Бу ўринда жуда мураккаб омилларнинг алоқаси мавжуд. Сиёсий мустақиллик дарҳол чинакам мустақиллик ва суверенитетга, яхшироқ ҳаётга айланадими? Сира бундай эмас. Мустақиллик олинганидан кейин ўз-ўзидан ана шундай жараён сира содир бўлмайди. Ҳамма нарсани конкрет шарт-шароит, вазият, турли омилларнинг мажмуи белгилайди. Хуллас, ўйлаб кўринг.

Агар сиз билан биз муқаддас сўзларни шунчаки тилга олаверсак, бундан бирон бир нарса қўшилиб қолмайди ва жамиятимизни янгилашда узоққа силжимаймиз. Мен айтмоқчи бўлган гапнинг биринчиси ана шу. Иккинчиси: назаримда, мамлакатимизда асосий нарса уқиб олина бошланди ва ана шу асосий нарсада якдиллик бор. Ана шу якдиллик аён кўриниб турибди ва умумиттифоқ якдиллигининг ифодаси сифатида шу залда ҳам бор. Ҳа, жамиятимизни янгилаш керак. Майда ремонт эмас, қандайдир чалакам-чатти тадбирлар эмас, балки жамият инқилобий жиҳатдан янгиланишга муҳтож. Ҳамма ёрда шундай бўлиши керак. Жамият ҳаётнинг барча соҳаларини, давлатнинг ва ижтимоий ҳаётнинг жами структураларини, барча муассасаларни янгилаш керак. Ўзимизнинг беш йиллик тажрибам, кундалик иш негизида, демократиялашда биз олган жами сабоқни пухта ўрганиб, фикр-мулоҳаза юритгандан кейин мен ҳозир нимани-дир батамом ўзгартирмай қайта қуриш жараёнига қўшиш мумкин, деб ўйлайман. Аввало, ақл-шууримизда инқилоб рўй бериши керак. Ўзимизни, тафаккуримизни ўзгартирмай туриб, аввало, ақл-идрокимизни бўғиб турган эски андозалардан қутулмай туриб, биз янгиликни ярата олмаймиз. Янгилик — ақл-идрокимиз ва амалий ишимизнинг, бунинг устига биргаликдаги ишимизнинг маҳсулидир.

Агар ана шу тушунилади-ган бўлса, агар биз базис билан боғлиқ ҳодисаларни ўзгартириш керак, яъни мулкчиликни, иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишдан бошлаб, мулкнинг янги шаклларига ва хўжалик юритишнинг янги шаклларига чиқиш керак, ташаббускорликка жуда кенг йўл очиб бериш керак, деб гапираётган эканмиз, демак худди шундай ҳаракат қилиш лозим. Агар биз иқтисодиётимизни маҳаллийлаштириш керак, чунки катта давлатда маъмурий-буйруқбозлик системаси хўжаликнинг самарали фаолиятини таъминлашга қодир эмас, деб гапираётган эканмиз, демак, биз ана шу йўлдан боришимиз, ваколатларни, энг аввало, ишлаб чиқариш ходимларига, меҳнат коллективларига топширишимиз лозим. Улар негизларнинг негизидир. Ҳамма саволларга жавобни биз меҳнат коллективларидан излашимиз керак. Давлатимизнинг, жамиятимизнинг қолган барча бўғинлари, тузилмалари ана шу имконият авж олишини рағбатлантириши ва бунинг учун шароит яратиб бериши керак. Чунки улар, меҳнат коллективлари тайёрлаб қўйилган янги қонунларга мувофиқ, олға томон қатъият билан ҳаракат қилишдан манфаатдордирлар. Янги Қонунга мувофиқ Совет ўз бюджетига маблағ олиши, республика ўз нормативларига мувофиқ бюджетига маблағ олиши ва яшаши, ўз тараққиёти масалаларини ҳал қилиши лозим. Иттифоқ бюджети эса республикаларнинг ўзлари топширган ва тан олган стратегик вазифаларни ҳал этиши керак. Кўп миллатли давлатимизни қайта қуриш жараёнини тўла амалга оширганимизда ана шундай бўлиши лозим.

Биз олдин бошимизга тушган воқеалар такрорланишидан холи бўлмоқчимиз. Бундай воқеалар шахсга сиғиниш ҳам, маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳам, зўравонлик ҳам, диктатура ҳам вужудга келишига имкон бериб қўйган муассасалар мавжуд бўлган тақдирда юз беради. Бу муаммони ҳал этиш калити хўжайин сифатида инсонни Советларнинг янги роли орқали сиёсий жараёнга жалб этиш йўли билан, демократияни ривожлантириш орқалидир, бу — демократия жараёнини ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинидир. Биз ҳозир шу ишни амалга оширмоқдамиз.

Ниҳоят бизга, бизни ҳеч ким қутқара олмайди, бизга партия, партия, партия зарур, уларни тузиш керак, акс ҳолда ҳалок бўламиз, дейишмоқда. Партиянинг ролини мен тушунишимга қараганда, давлат тақдирини партия белгилаб бермайди. Тўғри, бironта жамият ҳам партиясиз иш қилмайди. Катта ёки кичик даражадаги етукликнинг ҳар қандай боқсичида ва сиёсий жараёнларни авж олдириш босқичида у ёки бу оқимлар вужудга келади.

Лекин биз иккита ва учта партия эмас, балки ўнлаб партиялари бўла туриб, айни вақтда ашаддий диктаторлик режимлари мавжуд бўлган ўнлаб давлатларни биламиз. Партияларнинг сони қутқариб қола оладими? Энг муҳими — асосий куч ҳисобланган халқдир, чунки сиёсий жараёнда халқ иштироки айни демократиянинг ўзидир. «Демос кратос» — халқ ҳокимияти демакдир. Ёки бу «оддий фуқароларни» алдаш, сиёсатдонлар учун сиёсий ўйинми?

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни кўриб ғоят ташвишланмоқдаман. Бу аҳвол мамлакатнинг бутун раҳбарияти каби мени ҳам ҳаяжонга солмоқда. Бу хусусда конкрет режаларни белгилаб олдик, улар ҳақида тасаввурга эгасиз, шу сабабли бу режаларни такрорлаб ўтирмайман. Бу ерда бир ишчи сўзга чиқди, Советларнинг, ҳокимиятнинг тақдири билан унинг мутлақо қизиқмаганлиги мени ҳайратга солди. У бironта ҳам ишда қатнашишни хоҳламайди. Социализм эса меҳнаткашлар тузумидир. Бизда Марказий Комитетда ҳам, Советда ҳам, касаба союзларида ҳам шунинг учун бузилишлар бўлдики, ҳамма структураларда айни ана шу «Демос» — халқ ҳокимияти етишмади. Мана мен чамаси «Саюдис» ва яна кимларнингдир биргаликдаги куч-ғайрати билан тайёрланган шиор ва даъватни кўриб турибман: «Ўртоқ Горбачев! Зиёлиларни ишчилар синфига қарама-қарши қўйманг». Социалистик мамлакатда сиёсий жараённи ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар иштирокисиз тасаввур эта олмаслигимни айтган эдим. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўймасликкина эмас, ҳатто уларни бир-биридан ажратмаслик ҳам керак. Мен ўзимнинг ижтимоий келиб чиқишимни биламан ва боболарим бошлаган ишга содиқ қоламан. Бизнинг тузумимиз ишчилар синфига ҳам, деҳқонларга ҳам, зиёлиларга ҳам барча сиёсий жараёнда реал иштирок этиш имконини беради. Худди шундай бўлиши ҳам керак. Униси ҳам, буниси ҳам бир-бирининг ўрнини босолмайди. Улар биргаликда ҳаракат қилишлари лозим. Менинг зиёлиларга муносабатим ҳаммангизга маълум, чунки ўз фаолиятимда зиёлилар билан мунтазам мулоқотда бўламан, улар билан учрашиб тураман — бу менинг сиёсий фаолиятимнинг ажралмас бўлагидир. Хуллас, ёш ишчи, азизим ўйлаб кўринг, бировларнинг даъватига учаверманг. Менимча, бу сизнинг позициянгиз эмас. Менга худди шундай туюлди.

Хуллас, бизга янгиланиш жараёни зарур ва бу жараён бошланди. Биз ана шу жараёндан мамнунмизми? Бирдан мамнун бўлсак, иккинчисига қаноатланмаяпмиз. Бирида янгиланиш юз берди. Иккинчисида эса ҳали амалга ошгани йўқ. Жараёнлар амалий изга кўчган пайтда, партиядаги, чамаси ҳам Советлардаги, ҳам армиядаги, ҳар қандай жойдаги кадрларнинг бир қисми манфаатларига дахл қилган пайтда ҳамма нарса ҳам давр талабларига жавоб бера олмаслиги равшан бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи кучларни ва одамларни уларнинг истеъдоди, қобилияти ва имкониятига қараб жойжойига қўя бошлади. Бунгача ана шундай қилинмаган эди. Винобарин, бировлар жойни бўшатиб беришлари, бошқалар эса уларнинг ўрнини эгаллаб, мана шу бурилиш босқичида масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак. Чунки уларда бунинг учун реал ҳуқуқ, имконият бор. Бу жараён унча жўн эмас, у кураш билан ўтмоқда. Демак сиз билан биз қайта қуришни реал амалга оширяпмиз, сафсатабозлик билан шуғулланаётганимиз йўқ. Ҳамма жойда иш енгил кўчаверадими? Ҳеч қачон бундай бўлавермайди. Барча йўналишларда иш бир текис ва бир хил суръат билан борадими? Йўқ, бундай бўлмайди. Сиз билан биз хаёлпараст эмасмиз ва буни тушунамиз.

Компартияда ёки халқ хўжалигининг, маънавий соҳамизнинг бирор йўналишида олиб борилаётган изланишлар — булар табиийдир, ўртоқлар. Бу соҳада ҳам бир-биримизга нисбатан ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Қайта қуриш шаҳарлар ҳам, меҳнат коллективлари ҳам, республикалар ҳам турли даражада, турлича ижтимоий-иқтисодий ва хатто турлича маънавий, руҳий вазиятда турган пайтда бошланди. Баъзилар ислоҳот арафасида заводни, фондларни янгилаб олдилар. Бу тадбирларга миллиардлаб сўм пул сарфладилар, бошқалар эса бу ишни энди бошламоқчи бўлиб турган эдилар. Ислоҳот бошланган пайтда вазият турлича эди. Винобарин, ёндашувлар ҳам турлича бўлади, коллективлар олдидаги вазифалар ҳам турлича бўлади. Шу сабабли кимдир қайси йўналишда деб, қайсидир соҳада катта тажрибага эга, тезроқ ҳаракат қилмоқда деб на юқорида, на қуйида аҳволни мушкуллаштирмаслик лозим. Биз юз бераётган воқеаларга аслида изланиш, шу жумладан партия фаолияти, унинг келгусидаги роли, янги роли масалаларида изланиш деб қарамоқдамиз — буларнинг ҳаммаси нормал ҳолдир.

Муаммоларни қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳал этар эканмиз, жуда масъулият билан иш тутишимиз керак. Биз мамлакатимизни, унинг ҳаёти барча шаклларини тўла ўзгартириб юборадиган бурилишни амалга оширмоқдамиз. Бу мутлақо янги жамият бўлади. Винобарин, ғоят масъулият билан иш олиб боришимиз керак? Партияга, федерацияга, мулк, ер ва маданиятга тааллуқли қарорларни қабул қилишдан олдин минг бор ўлчаб кўриш керак. Буларнинг ҳаммаси таг-заминли қадриятлардир. Чавандоздек от чоптиришнинг бизга кераги йўқ. Бу сиёсатнинг хунук туридир, бу ашаддий авантюризмдир, инқилобий бурилиш пайтида бир жойда депсиниб туришга йўл қўйиб бўлмаганидек, бундай авантюризмга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бу ерда, Литва диёрида кимдир менга жуда тўғри гапирди, бир ерда топталиб туришдан оёқ оғрийди. Қадам қўйиш вақти келганда юриш қийин бўлиб қолади.

Чиройли қилиб жойлаб қўйилган қандайдир янги тизгин солмоқчи бўляпти, деб ўйламанглар. Йўқ, ўртоқлар, мен ҳаракат бошқача бўлишини, биз тағин ҳам қатъийроқ бўлишимизни, вақтинча тадбирларда тўхтаб қолмаслигимизни, теран ўзгаришлар негизида ҳаракат қилишимизни истайман. Ишнинг пачавасини чиқариб, жамиятимизни қийин аҳволга солиб қўймаслик учун муттасил ўйлаш зарур. Лекин жараёнлар тезлашаверади. 90-йил — ҳал қилувчи йилдир, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг ҳамма йўналишларида, шу жумладан федерация хусусида масъул қарорлар қабул қилиш йилидир.

Лекин ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун КПССни бузиш, ажратиб юбориш, федерацияни бузиш шартми? Ана шу мақсадларга эришиш учун, масалан, КПССдан ва СССРдан чиқиш керак, деган фикрларга мен қўшилмайман. Бу менинг принципиал позициямдир. Мен ўз фикримни ўтказмоқчи эмасман. Лекин ҳамма нарсани ўйлаб кўришни илтимос қиламан. Агар бошқача бўлса, унинг салбий оқибатлар келтириши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириб қўйишни ўз бурчим деб биламан. Шу билан бирга мен янги федерация доирасида маданият ва тил соҳасидагина эмас, Конституцияда ёзиб қўйилган сиёсий, иқтисодий соҳада чинакам суверенитетга эришиш мумкин деб ҳисоблаётганларнинг бириман. Акс ҳолда биз ҳеч нарсани ҳал қила олмаймиз, бинобарин биз бошлаган қайта қуриш бўғилиб қолади. Бошқача ёндашувлар фаол муҳокама қилинаётган бўлса ҳам, нима учун мен бу таклифларга қаршиман? Бундай таклифлар шу ернинг қаеридадир вужудга келди, уларни Россияга ҳам етказишди, у ерда ҳам шу хусусда гаплар бошланди. Сизлар учун ҳам, Россия учун ҳам, ҳамма учун шуни айтиб қўйишим керак: агар биз ажралиш йўлига ўтадиган бўлсак, у ҳолда ҳамма нарсани яксон қилиб, янчиб ташлай бошлаймиз. Чунки бошқача йўл бўлмайди. Чунки федерация — муносабатларнинг бир йўлидир, федерация мувофиқлаштириш, жипслаштириш, ресурслар, имкониятлар ва шу сингарилар каби стратегик масалаларни ҳал этишни топшириб қўйиш негизида юқори даражада сақлаб туради.

Агар биз ҳозир миллий квартираларга тарқалиб кетсак ва сўнгра буларнинг ҳаммасини бир-бирига қандай қилиб боғлаш йўлини изласак, бундай аҳвол миллионлаб кишиларнинг тақдирини ҳаракатга келтиради, жамиятга нифоқ солади. Совуқчилик эса ҳозироқ пайдо бўлди. Мана, олдимда мактублар, ёзувлар турибди. Уларда: сизлар бизни етмиш йил оккупация қилиб турдингиз, энди сизларнинг таъзирингизни берамиз каби фикрлар келтирилган. Мен уларга эътибор бермайман, булар рўзғорда бўладиган миллатчиликдир. Лекин бу сиёсатга киритиладиган бўлса, қарорлар қабул қилиш учун далиллар қаторига киритиладиган бўлса, у ҳолда, ўртоқлар, бизни қийин даврлар кутмоқда.

Шу сабабли федерацияни ҳам, КПССни ҳам — ҳамма нарсани сизлар хоҳлагандек ҳал этадиган қилиб ўзгартириш керак. Шу билан бир вақтда ишни чигаллаштирмаслик, янги масалаларни қалаштириб ташламаслик керак. Бундай масалалар сизларда бусиз ҳам ошиб-тошиб ётибди. Ишончим комилки, биз федерацияни, КПССнинг янги ролини, унинг ички тузилишини ҳамда КПСС барча бўғинларининг ўзаро муносабатини ана шундай тушуниб етсак, бу ҳаммамизни қаноатлантиради.

Айрим жойларда суверенлик ва ажралиб чиқишга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги конституцион қоидани амалга ошириш кайфияти мавжуд экан, у ёки бу республикани Совет Иттифоқидан чиқиш механизмини белгилаб берадиган қонун зарур. Ҳаёт талабларидан қочмаслик керак. Бундай Қонун лойиҳасини мен ўқиб чиқдим. У тез орада СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларига берилади. Иттифоқ тўғрисидаги, ажралиш ёки ажралмаслик, қўшилиш тўғрисидаги масала қўйилаётган экан, бу бутун Иттифоқимизга, халқ депутатлари съездига тааллуқли масала деб ўйлайман. Бундай масалаларни ҳал қилиш чоғида «ким-кимни» принципи асосида ёндашиладиган бўлса, у ҳолда қайта қуриш бўлмайди. Бу яна ўша машъум усулларга қайтишнинг ўзидир. Олдиндан ҳал қилиб қўйиб, тартиб ўрнатиш — бўладиган гап эмас. Мен бундай бўлишини истамас эдим.

Шундай Қонун бўлади. Лекин мен такрор айтаман: мен ўз фикримда қоламан ва уни ҳамма жойда исботлаб бераман. Агар инсоний, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларни, сиёсий йўлдаги алоқаларни, партия йўлидаги алоқаларни бузишни бошлар эканмиз, сизларга айтиб қўяй — бу кулфатнинг ўзи. Камида 10-15 йилни йўқотамиз, баъзи бировлар эса умуман социал тараққиёт, тарих йўлидан четга чиқиб қолади.

Ҳозир социализм тангликка учради, коммунистик дунёқараш тангликка учради, деган гапларга қўшилмайман. Шунчаки қадриятларни қайтадан идрок этиш, туб бурилиш бормоқда, уларни инсоният цивилизацияси тараққиётидаги барча бурилиш вазиятлари билан боғлиқ ҳолда тушуниш ва тўғри баҳолаш мумкин. Бутун дунё ўзгармоқда. Ана шу дунёнинг жуда муҳим таркибий қисми бўлган биз ҳам ўзгармай қололмаймиз. Биз ўзгаришимиз зарур экан, демак барча муассасалар, шу жумладан партия ҳам ўзгариши керак. Литва Компартияси КПССни янгилаш йўлларини излашга қўшилиб, бошқа Компартиялар қатори ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Хуллас, ўртоқлар, мен нуқта қўйётганим йўқ. Биз фикрлашишни давом эттиришимиз, бир-биримизни тушуниб олишимиз лозим. «Ёрдам беринглар!» деб бақирмаслик керак — менинг фикрим шундай. Ёки қўлингизда компас бўлмаса ҳам, обҳавонинг қандай бўлиши ҳақида маълумот бўлмаса ҳам лангарни кўтариб, қайиқда денгизга чиқадиган вақт келдими? Вазиятни яхшилаб ўрганиш, ҳамма нарсани чамалаб кўриш, нималардан фойдаланиш кераклигини, нималарни бевақт, етилмаган масала сифатида улоқтириб ташлаш кераклигини белгилаб олиш лозим.

Келинглар, бир-биримизнинг гапимизга қулоқ солишга ҳаракат қилайлик, биргалашиб ўйлаб кўрайлик. Биргалашиб мулоҳаза юритиш учун имкониятдан фойдаланиб қолиш керак: чунки айни бир вақтда қуйида ҳам, ўрта бўғинда ҳам, олий даражада ҳам кучлар изланиш йўлига ўтди. Ана шу изланишдан, ана шу тарихий имкониятдан мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатини кўзлаб, социализм манфаатини кўзлаб фойдаланиш керак. Фақат сиёсатчилар эмас, балки халқлар — дунёдаги барча кишилар мамлакатимизнинг ролини ҳисобга олиб, қайта қуришимиз амалга ошиши ва ғалаба қилишидан манфаатдордирлар. Бу эса ҳозирги вақтда биз жуда масъулиятли бўлишимиз, мақсадларимизга эришиш йўлида жуда қатъий бўлишимиз лозим, деган маънони билдиради. **(Қарсаклар).**

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов қатнашдилар.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИ АСРАБ - АВАЙЛАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувлари

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 12 январь куни Шяуляй районидаги «Бридай» колхозига борди. Суҳбатлар чоғида колхозчиларнинг ишлаб чиқаришга оид ўй-ташвишлари, турмуши ва дам олиши ҳақида гаплашиш билан бир қаторда бошқа мавзулар ҳам тилга олинди. Республикадаги соғлом кучларни жипслаштириш, миллатлараро муносабатларни нормаллаштириш, республикадаги сиёсий вазиятнинг мураккаблиги сингари мавзулар колхоз ва район партия-хўжалик фаоллари билан учрашувнинг мазмунини белгилаб берди.

Учрашувда **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади.

* * *

Москвадан бу ерга келган барча ўртоқлар бу учрашувдан ҳам, шу кунларда бўлаётган барча учрашувлардан ҳам мамнундирлар. Шахсан мен учун инсоний мулоқот жуда муҳим омилдир, айни вақтда суҳбатларимиз рўй-рост ва жонкуярлик билан бўлаётганини айтиб ўтмоқчиман. Суҳбатлар баъзан қизғин баҳс тусини олмоқда, баҳсларда турлича фикрлар айтилмоқда. Аммо бу сиз билан бизни, бутун мамлакатни, бутун партияни ҳаяжонга солиб турган жуда ҳаётий масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказишга ва нуқтаи назарларни таққослаб кўришга ҳалал бермайди. Шундай қилиб, шу кунларда мухбирлардан бири айтганидек, Литва ер юзидаги барчанинг диққат-эътибори қаратилган минтақалардан бирига айланмоқда.

Литва Коммунистик партиясининг XX съездидан кейин, кейинчалик КПСС Марказий Комитетининг Пленумидан кейин республикада пайдо бўлган икки коммунистик ҳаракатнинг вакиллари бўлган ўртоқлар билан учрашганимизда, ўртоқ Бразаускаснинг хотирасида бўлиши керак, мен қуйидаги луқмани ташлаган эдим: биз нималар содир бўлаётганини ва нимани муҳокама қилаётганимизни уқиб олишимиз жуда муҳимдир, бундан муддао — хатолиқмасликдир, танлаб олинган йўл тўғрисида, бундан буён кўрадиган тадбирларимиз ҳақида бирга қадам ташлаймизми ёки ажралишиб кетамизми — шу ҳақда қарор қабул қилишимиз керак. Кейинчалик яна учрашамиз ва масалани ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Мана, Литва диёрига келдим. Айни вақтда биз бу учрашувларга фақат «Литва» нуқтаи назаридангина қарамай ёки ўртоқлар хафа бўлиб қолмасликлари учун мен қуйидагиларни илова қилдим: бу учрашувларга «Ставрополь нуқтаи назаридан ёки, айтайлик, Ўзбекистон томонидан қарамаслик жуда муҳимдир. Ҳа, ўртоқлар, ҳозир халқларимиз тақдири учун бурилиш давридир. Таянч нуқтани йўқотиб қўймасак, алоқаларни бузиб қўймасак, қон айланишини ва бутун марказий асаб системасини бузиб қўймасак бўлгани. Ҳаёт бу системани жуда асраб-авайлашни талаб қилмоқда.

Шу боисдан ҳам Литва Компартиясининг XX съездига муносабат ана шундай бўлди, бу анжуман КПСС Программаси ва Устави доирасидаги съезд сифатида йиғилди, аммо КПССдан чиқиш ва у билан алоқани узиш билан якунланди. Тўғри, бизга бу КПССдан чиқиш эмас, у билан алоқани узиш эмас, демоқдалар. Шундай бўлса, ўртоқ Бразаускас, 21 декабрдан бери ҳар бир бошланғич ташкилот учун КПССнинг Программаси ва Устави эндиликда аҳамиятини йўқотганини сиз қандай тушунтириб берасиз? Ўзи нима бўляпти? «Украинада Данила ўлмас эдику, аммо дард енгиб қўйдида», дейишади.

Буларнинг ҳаммаси бизда жуда катта ташвиш уйғотди: агар биз шу қадар катта ишни бошлаб қўйиб, эндиликда ўзаро муносабатларни аниқлашга киришсак, айтиб ўтишим керакки, баъзи кимсалар бизга партиявий мунозарани тиқиштиришга, шу орада эса жамиятни ўз қўлларига олишга уринмоқдалар — бу ҳолда биз нопок машмашанинг асири бўлиб қоламиз.

Танлаб олинган йўлдан қатъият билан бориш лозим. Сиёсатдаги принципсизлик бутун ҳаракатни, унга жалб этилган одамларни, бутун жамиятни беқарорликка олиб келади. КПССдек сиёсий қадриятни, жуда муҳим босқичда мамлакатдаги ишлар учун унинг масъулияти алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Агар биз бирор бир йўсинда КПССнинг бирлигини бузадиган бўлсак, масалан, уни мунозара клубига айлантириб қўйиб, унинг бирлигини бузадиган бўлсак, партия ўзининг ички эн

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

(Давоми. Боши учинчи бетда).

йилмоқда. Кечаги учрашувда айрим профессорлар федерациямизни танқид қилишди. Ахир биз ҳали шу федерация шароитида яшаганимиз ҳам йўқку! Шундай қилиб, бугун биз сиз билан биргаликда федерацияни эмас, балки бизнинг кўп миллатли давлатимизга хос бўлган яхлитликни танқид қилмоқдамиз. Биз ана шу яхлитликдан воз кечишимиз керак. Демак, бизнинг Конституциямизда ҳамиша ёзиб қўйилган суверенитетни республикаларнинг сиёсий ваколатлиги орқали амалга оширишимиз керак. Бундан муддао — Иттифоқ ихтиёрида фақат стратегик масалаларнигина қолдиришдир. Қолган барча масалаларни республикаларнинг ўзи ҳал қилиши керак. Бирликни асраб, ҳозир аслида мавжуд бўлган ва биргаликда неча ўн йиллар мобайнидаги бунёдкорлик меҳнати туфайли вужудга келган куч-ғайратлар ва имкониятларнинг бирлашувидан фойдаланиб худди ана шунга интилиш керак.

Бошқа йўл энг аввало одамларга зиён келтиради, иқтисодиётга, алоқаларга путур етказади. Бу жуда катта тўсқинлик бўлади, шугина эмас, бу орқага қайтиш бўлади. Ҳис-туйғулар қайфият учун яхши. Сиёсат учун мулоҳаза юритиш, воқеликни чуқур таҳлил этиш, улар асосида истиқболни белгилай билиш зарур. Сиёсат ҳамиша воқелик билан боғлиқ бўлади, у ҳамиша мумкин бўлган йўлни топиш санъатидир. Акс ҳолда одамлар мамлакатга ҳам, республикага ҳам бошчилик қилаётган сиёсий раҳбарларни лаънатлайдилар. Мен бу фикримни ҳеч қачон, ҳар қандай тазйиқ ўтказилганда ҳам ўзгартирмайман. Шу билан бир вақтда федерациянинг ғоят хилма-хил қирраларини, олисни кўзлаган йўлларни қидиришга тайёрман. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг реал мустақиллиги зарур. Ҳозир республика ташкилоти тўғрисидаги алоҳида бўлимни ҳатто уставдан ҳам тополмайсиз. Улар — область, ўлка партия ташкилотлари билан биргадир. Ҳозир вақт ўзгача деб ўйлайман. Даврнинг ўзи уставда республикаларнинг Компартиялари ва улар қандай воколатга эга эканлиги ҳақидаги мустақил бўлим бўлишини масала қилиб қўйди.

Овоз: Тўғри.

М. С. Горбачев: Ана ўшанда жуда кўп масалалар, Компартия ҳал этаётган масалалар, кадрлар ва структура сиёсатини у қандай қураётганлиги, КПСС раҳбарлиги остида ўзини қандай тасаввур этаётганлиги равшан бўлиб қолади. Тўғри, бу ҳақда мен дастлабки тарзда гапирмоқдаман. Аввало масала Пленумга қўйилади, сўнгра съездга олиб чиқилади, хуллас бу ишни ҳаммамиз биргаликда ҳал қиламиз. Шундай экан ажралишимиз лозими ёки бирлашишимиз лозимми? Масъулиятни кучайтириб, барча бўғинларнинг ҳуқуқларини ва шу орқали уларнинг масъулиятини кенгайтириб, сиёсий жараёнлар орқали жипслашиш керак! Кеча бир йигитга мен айтган «уй вазифаси» ана шундан иборат. Сизлар эса, тажрибали одамларсиз, ўз билимларингизни ҳам, ҳаёт тажрибаларингизни ҳам ишга солинглар. Қайта қуриш билан боғлиқ бўлган, мақсадга эришишга хизмат қиладиган, мана шу бурилиш босқичида жамиятимизни жипслаштирадиган ва бирлаштирадиган ҳар қандай ишда менинг мададимга умид қилишингиз мумкин. Чунки бузғунчилик ҳаракатлари, бирлашишга қарши ҳаракатлар ва бошқа бундай жараёнлар — қайта қуришга зарба ва унинг асосларига путур етказишдир. Мен биринчиси билан боғлиқман ва охиригача уни ҳимоя қиламан, иккинчисига қарши иложи борича курашавераман. Мана, энди сизларга ҳаммаси маълум бўлди. Ахир мен портловчи моддани ташлаб кетиш учун келган одам эмасман.

Бу ерда шаҳарликлар шиорлар ва «қийин» масалалар билан мени ўртага олишди. Умуман хижолат бўлмайман, ҳар қандай одамлар билан мулоқотда бўлиш фойдали. Сирасини айтганда, бу ҳатто Ленин айтган ўз муҳолифингнинг нуқтаи назарини билиш жуда муҳим, чунки унда сенинг ожиз томонларинг янада аниқроқ баён қилиниб, кўрсатиб, таъкидлаб берилади деган фикр мос келади. Бу эса далилларни кучайтиради ҳамда у ёки бу масалаларни пухта ўйлаб кўриш ва уларни ишлаб чиқишни чуқурлаштириш учун омил бахш этади. Кеча Вильнюсда бир ўртоқ кўп партиявийликка сиз қандай қарайсиз, деган савол билан кўп марта мурожаат қилди. Кейин менга унинг социал-демократ эканлигини айтишди. Барча ишда ҳаётга асосланиш керак. Турмушни идрок этишнинг ҳозирги босқичи хусусиятлари менимча нималардан иборат? Шундан иборатки, биз эндиликда митинглардан реал турмуш ичига кириб бормоқдамиз. Ишчилар ва деҳқонларнинг ўзлари бизнинг воқеликдан қочишимизга, ялангоч схемаларга берилиб кетишимизга йўл қўймаётирлар. Кўп партиявийликка келганда эса, сизларга шуни айтишим мумкинки, сиз билан биз ўзимизнинг сиёсий етуктурмушимизда ўнта ва йигирмата партия бўлганда ҳам ўта шафқатсиз диктатуралар муваффақиятли шакилланганини ва авжига чиққанлигини билмадикми ёки кўрмадикми? Хўш, кўп партиявийлик жамиятни қутқариб қолар эканми? Йўқ, кимнинг қандай яшашини ва қандай нафас олишини режим белгилаб беради.

Мана ҳозир биз демократиянинг шундай жараёнини авж олдириб юбордикки, шундай сиёсий ислоҳотни ўтказяпмизки, у ана шу сиёсий жараёндаги ҳал қилувчи шахсни — ишчини, деҳқонни ёки зиёлини — меҳнаткаш инсонни биринчи ўринга реал равишда олиб чиқади. Мана булар зарур нарсалардир. Бу бутунлай бошқа нарса учун, демократия йўлидан ҳаракат қилиш учун шароит яратади ва унинг доираларини белгилаб беради. Ана ўшанда бизда битта КПСС бўлгани ҳолда сиз билан бизнинг фикрларимиз нақадар хилма-хиллигини кўраверасиз! Битта партия мавжуд бўлган пайтда қанча хилма-хил фикрлар ва демократия, қанча жамоат ҳаракатлари, шу жумладан жамият ташвишларини ифодалаб берган «Саюдис» каби ҳаракатларни кўраверасиз. Мен буни таблиқилишимиз, бир-биримизнинг мададимизни ҳис этиб қўлни-қўлга бериб олга боришимиз керак. Лекин сиёсатда шундай чапанилар ҳам борки, улар беш-ўн йил қийналамиз, кейин ҳаммаси ўз изига тушиб кетади, деб ўйламоқдалар. Улар Люксембург яшаяптику, Финляндия яшаяптику, дейишмоқда. Сиз нима деб ўйлайсиз, шулар далил бўла оладими? Бу сиёсатда ва назарияда шу қадар ибтидоийликки, мен бу гапларни эшитиб ҳафа бўлиб кетдим. Кайфиятларга, тамойилларга берилмаслик керак. Сиёсий раҳбамо «омон бўлсак кўрамиз» тарзидаги йўлни эмас, балки аниқ-равшан йўлни кўрсатиб берадиган сиёсатни шакллантириши лозим. Кайфиятларга берилиш касалидан қутилиш керак. Башарти сизлар Иттифоқдан, КПССдан ажралиб чиқиш билан обрў орттиришга уринсангиз у ҳолда сизлар сиёсий жиҳатдан маҳкумсизлар. Эътиборингиз учун раҳмат.

(Қарсаклар).

* * *

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов қатнашдилар. (ТАСС).

ВИЛЬНЮСДАГИ УЧРАШУВЛАР

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). Бугун Литва ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси, Мудофаа кенгашининг раиси М. С. Горбачевнинг республика территориясида жойлаштирилган ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. Астраускас, республика Министрлар Советининг Раиси В. Сакалаускас, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. Д. Лизичев, Болтиқбўйи ҳарбий округининг қўмондони генерал-полковник Ф. М. Кузьмин, Болтиқ флотининг қўмондони адмирал В. П. Иванов қатнашдилар.

Қайта қуриш шароитида армия ва флот қисмлари шахсий составининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Республикада совет қонунларига риоя этиш зарурлиги, жангчиларимизнинг турмуш ва хизмат нормалари шу қонунларга асосланганлиги таъкидланди. Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий-турмуш эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш зарурлигини айтдилар.

Ҳозир бўлганларнинг нутқларида Совет Армияси ва флоти КПССнинг қайта қуриш йўлига қатъий содиқ эканликларини билдирдилар.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

* * *

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов бугун Вильнюс университетида профессорлар, муаллимлар ва студентлар билан, шунингдек республика оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашди.

Бу учрашув олти кундан буён КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг бир гуруҳ қатнашчилари билан Литва коммунистлари, меҳнаткашлари ўртасида ўтказилаётган мунозаранинг давоми бўлди. Академик И. Т. Фролов қайта қуришнинг фалсафий тушунчасини баён этиб берди. Ўтказилаётган мулоқот мамлакатда ва республикада содир бўлаётган воқеалар тўғрисида биргаликда чуқур мулоҳаза юритиш зарурлигининг ноёб исботи эканига эътиборни қаратди. Мулоҳазакорликка интилиш воқеаларнинг моҳияти бир хил эмаслигини ҳам, уларни идрок этиш бир хил эмаслигини ҳам тушунишга мажбур этади. Энг муҳими — ўзаро мақбул инсонпарвар ёндашувларни топишдир. Якдиллик олга силжиш учун энг мақбул ечимларни топишгагина имкон бериб қолмай, бошланган қайта қуриш жараёнини шубҳа остида қолдириши мумкин бўлган майлларни истисно этиш имкониятини ҳам берган бўлур эди. Янгича тафаккурни қарор топтириш, ижтимоий онгни ўзгартириш, шунингдек демократиянинг ишончли тартиб-қоидаларини вужудга келтириш — қайта қуриш муқаррарлигининг бош кафолатидир.

Учрашувда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида ҳам гапирилди. Бу воситалар ҳали мамлакатда рўй бераётган жараёнларга тўла-тўкис қўшилгани йўқ, деб уқтирди И. Т. Фролов. Эҳтиросларга эмас, балки таҳлил, мулоҳазалар зарур. Врачлар каби журналистларнинг ҳам вазифаси зиён етказмасликдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг секретари саволларга жавоб қайтарди.

Мунозарада университет проректори профессор Р. Павилонис, фалсафа факультетининг декани А. Каросас, профессор Е. Мешкаускас, доцент Л. Тапинас, бошқа муаллимлар, студентлар, журналистлар қатнашдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин иштирок этди.

ЛИТВА САФАРИ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). М. С. Горбачевнинг Литва ССРда бўлиши якунлари юзасидан бу ерда совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясини В. А. Медведев, Ю. Д. Маслюков, И. Т. Фролов ўтказдилар.

Бўлиб ўтган учрашувлар давомида, деди В. А. Медведев, Литва фуқаролари билан рўй-рост гаплашилди. Ҳеч ким ўз фикрлари ва эътиқодларини яширгани йўқ. Партиянинг мустақиллик мақомини билдирган ЛКП XX съездининг қарорларини қўллаб-қувватловчи кишиларнинг нуқтаи назари кўпроқ баён этилди.

Афсуски, деди у сўзини давом эттириб, эҳтиослар ва кучли ҳис-туйғулар баъзан ўзаро фикрлашишга тўсқинлик қилди. Аммо бошқача нуқтаи назар ҳам айтилди. Шу съезднинг қарорларига қўшилмаган, бу қарорларни партия, совет раҳбарияти позицияларига, қайта қуришга зарба деб ҳисоблаётган кишилар шундай фикрни баён этдилар.

Мамлакат партия раҳбариятининг аъзолари республикадаги вазиятни яхши тушуниб турганликлари таъкидлаб ўтилди. Биз республика кўпгина меҳнаткашларининг қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлашлари тўғрисидаги ваъдаларини олиб кетяпмиз. М. С. Горбачев Литва халқи орасида зўр обрў қозонганлигини тушуниб кетяпмиз, деди В. А. Медведев, Литва диёрида бўлиб ўтган мулоқот ва фикрлашувлар вужудга келган муаммоларни амалий равишда ҳал этиш йўлларини излаш мақсадида давом эттирилади. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг принципиал позицияси сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратилди, бу позиция КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг Литвадаги сиёсий вазият юзасидан қабул қилган қарорларида баён этилган.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДАГИ САЛБИЙ КЎРИНИШЛАР ТУГАТИЛСИН

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Республиканинг қурилиш тармоғи қийин даврни бошидан кечираётганлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Асосий фондларни ишга туширишнинг планлари бажарилмаяпти. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида республикада ҳаммаси бўлиб қарийб тўрт миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилмай қолди. Натижада чала қурилишлар кўпайиб бормоқда, ҳозирнинг ўзидаёқ улар йиллик капитал маблағ ҳажмидан ошиб кетди.

Деҳқончилик саноати комплексида, алоқа, соғлиқни сақлаш, маданият министрликларида чала қурилишларнинг ҳажми айниқса катта.

Бултур ёқилғи-энергетика ва металлургия комплексларида, енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган тармоқларда катта-катта ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмади. Натижада бозорни халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлаш имкониятлари бой берилибгина қолмай, шу билан бирга бизнинг регионимиз учун айниқса муҳим бўлган 50 мингга яқин янги иш жойлари ташкил қилинмай қолди.

Қурилишдаги камчиликлар оқибатида айниқса марказлаштирилган капитал маблағ ва корхоналарнинг маблағи ҳисобидан қурилаётган уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший объектларни ишга туширишнинг режалари бардод бўлмоқда.

Республикада белгиланган «Уй-жой-2000» программаси келгуси минг йиллик бошланишигача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлашга хизмат қилиши лозим. Бироқ беш йилликнинг тўрт йилида аҳоли давлат капитал маблағи ва корхоналарни ривожлантириш фондлари ҳисобидан 12 мингта квартирани кам олди. Башарти пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ва шу жумладан якка тартибдаги қурилиш ҳам рлиб кўрилса, уй-жой программасига нисбатан ҳаммаси бўлиб салкам 60 мингта квартира кам қурилди. 280 мингдан кўпроқ оила уй-жой олиш учун навбат кутиб турган бир пайтда мана шундай иш қилинди. Янгидан ишга туширилаётган уй-жойлар фақат аҳолининг кўпайишинигина таъминлай олади. Республикада томорқа участкаларини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши муносабати билан якка тартибда уйлар қуриш ҳажми кескин ошмоқда. Бу эса маҳаллий ва республика идораларидан бинокорлик материаллари билан таъминлаш, коммунал иншоотлар ва бошқа иншоотларни қуриш масалаларини ҳал этиб беришни талаб қилади.

Социал соҳани ривожлантириш планлари йил сайин бажарилмай қолмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Самарқанд ва Сирдарё областларида мактаблар ва болалар боғчаларини, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона областларида касалхоналарни ишга туширишнинг барбод этилди.

Ҳолбуки, ҳозирги шароитда республиканинг мактаблар билан таъминланиши нормативнинг атиги 70 фоизини, болалар боғчалари билан таъминланиш 37 фоизини, поликлиникалар билан таъминланиш 65 фоизини ташкил этмоқда. Бироқ, шунга қарамай, социал соҳани ривожлантиришга ажратилган маблағлар узлуксиз ўзлаштирилмай қолмоқда. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 85 миллион сўм ўзлаштирилмади.

Республикада ғалати бир ҳолат вужудга келганлигини — партия билан ҳукумат уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қуришга маблағни доимо кўпайтиришни талаб қилаётганликларини, 1990 йилги планда уларнинг улуши 44 фоизга етказилганини, бироқ кўпгина раҳбарлар бу маблағлардан тўла-тўкис фойдаланишга интилмаётганликларини кенгаш қатнашчилари таъкидлаб ўтишди.

Қурилишдаги ишларнинг аҳволи кўп жиҳатдан пудратчиларнинг ишига боғлиқ. Аммо энг йирик қурилиш министрликлари ва идоралари режаларни бажаришмаяпти. Чунончи, республика Қурилиш министрлиги бултур пудрат ишлари планини атиги 89 фоиз бажарди, уй-жойларни, социал-маданий-маиший объектларни ишга туширишнинг топшириғини барбод қилди.

Ўтган йили «Главташкентстрой» жуда ёмон ишлади. «Ўзагростроой» ва Давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг айрим трестлари бутун объектларни ишга туширишни таъминламадилар.

Капитал қурилиш режаларининг бажарилиши кўп жиҳатдан моддий-техникавий таъминотнинг даражасига боғлиқлиги шубҳасиз. Бироқ, бу ишни ташкил этишда каттакатта камчиликлар бор. Ҳатто республикада эҳтиёждан ортиқроқ ишлаб чиқарилаётган материаллар, масалан, линолеум, пардозлаш кошинлари, қурилиш чинниси ва шу кабилар билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб турибди.

Бунинг устига асосий қурилиш материалларининг мавжуд фондлари ҳам ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Ёғоч материаллари йил сайин бориўғи 80 фоиз даражасида олинмоқда. Цемент, металл, шифер ва шу каби материалларнинг фондлари билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас.

Кенгаш қатнашчилари ўтган йилги режалар барбод бўлганлигининг сабабларини таҳлил этиб, беш йилликнинг охирги йили топшириқларини бажаришга оид чора-тадбирларни муҳокама қилдилар. Қурувчилар бу йил жуда зўр ғайрат билан меҳнат қилишлари керак бўлади. Ёқилғи-энергетика, химия-ўрмон, деҳқончилик саноати комплексларида, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларда бир қанча қувватларни ишга тушириш, ўн миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, кўпдан кўп мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар; поликлиникалар, бошқа социал-маданий-маиший объектлар қуриш лозим.

Бироқ мана шу тиғиз дастурни бажаришга ҳозирча яхши тайёргарлик кўрилмаяпти: бир қанча министрлик ва идоралар шу пайтга қадар қурилаётган объектларни пул билан таъминлашга киришмаганлар, 1990 йилги планда ишга туширилиадиган қувватлар мавжуд молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан мувозанатлаштирилмаган. Бу эса ҳозирги вақтда, тайёр қурилиш маҳсулоти ва биткезилган объектларни топшириш учун ўзаро ҳисоб-китобга ўтилиши муносабати билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли тайёрлик даражаси паст бўлган бир қанча қурилишларни тўхтатиб қўйишга, шунингдек қурилаётган айрим корхоналарнинг ихтисосини ўзгартириб, янги маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга буриб юбориш чораларини белгилашга қарор қилинди.

Ҳозир республикада бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг тармоқ комплекс дастури ишлаб чиқилмоқда, бу дастурда регионларни бинокорлик материаллари билан, аввало маҳаллий қурилиш материаллари билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш учун шароит яратиш кўзда тутилади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов нутқ сўзладилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин ва КПСС Марказий Комитетининг масъул одими А. П. Орешчкин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БОКУДАГИ ВАЗИЯТ

БОКУ, 13 январь. (Озаринформ-ТАСС). Бугун кечқурун Боку шаҳрида безори унсурлар гуруҳлари томонидан тартибсизликлар ва бебошликлар чиқарилди. Фожиали воқеалар рўй берди, одамлар қурбон бўлди.

Партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўрмоқдалар. Ички ишлар органлари зўравонлик ҳаракатлари қилишда гумонсиралган кишиларни қўлга олдилар. Улар тергов қилинмоқда.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети безори унсурларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини ғазаб билан кескин қораламоқдалар ва Боку шаҳри аҳолисини, бутун республика меҳнаткашларини юксак масъулият, имкони борича сабр-тоқат ва уюшқоқлик кўрсатишга, аҳоли яшайдиган ҳар бир жойда жамоат тартибини ва нормал вазиятни таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришга даъват этмоқдалар.

* * *

БОКУ, 14 январь. (Озаринформ-ТАСС). 13 январда содир бўлган воқеалар муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гиренко, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев Бокуга келдилар.

Республика партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ғайратлари билан Бокудаги вазият назорат қилиниб турибди.

Бокудаги узлуксиз маромда ишлайдиган корхоналарнинг коллективларида йиғилишлар бўлиб ўтди, бу йиғилишларда меҳнаткашлар республика пойтахтидаги тартибсизликлар ташкилотчиларининг хатти-ҳаракатларини кескин қораладилар, шаҳарда қонунийлик ва тартибни мустаҳкамлашни талаб қилдилар.

✦ Кейинги уч йил ичида Ўзбекистонининг чет эллар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларининг ҳар бири мазкур фаолиятнинг айрим йўналишларини ривожлантиришда ва бир қанча ташкилий масалаларни ҳал этишда муайян роль ўйнайди. Республикада ташқи иқтисодий алоқаларнинг битим тузиш ҳуқуқига эга бўлган тўқсонтадан кўпроқ қатнашчиси қайд этилди, тўртта ташқи иқтисодий бирлашма ишлаб турибди, амалий ҳамкорлик уюшмалари, қўшма корхоналар ва уларнинг филиаллари барпо этилмоқда. Афсуски, қилинган ишнинг натижалари ҳозирча замонавий талабларга жавоб бера олмайди. Шу боисдан ҳам республиканинг чет эллар билан иқтисодий алоқаларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала Министрлар Совети Президиумининг муҳокамасига қўйилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ташқи алоқаларни бошқаришнинг мавжуд системаси самарали тараққиётни таъминлаш вазифаларининг бутун мажмуини қамраб ололмаслиги қайд этиб ўтилди. Фаолиятнинг шу тури учун масъул бўлган тармоқ ва территориал органларнинг вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш, уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, республиканинг чет эллар билан иқтисодий алоқаларини бошқаришнинг амалий структурасини вужудга келтириш зарур.

Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари ҳамкорликнинг янги усулларидан, чунончи, ҳорижий фирмалар билан қўшма корхоналар, бевосита ишлаб чиқариш алоқалари, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кооперация, энг янги технология жараёнларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби усуллардан ҳозирча жуда суст фойдаланмоқдалар. Ҳозир ишланмалар олиб борилмоқда, 50 тадан кўпроқ қўшма корхона ташкил этиш ниятлари тўғрисидаги протоколлар ва битимлар имзоланди. Бироқ 1 январга қадар 15 та мана шундай корхона барпо этилди. Гарчи Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооперация комитети, Енгил саноат министрлиги, қурилиш ташкилотлари катта моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўлсалар ҳам бирорта корхона барпо этганлари йўқ.

Республикада валюта тушумининг энг ишончли манбаи — чет эл туризмига ҳаддан ташқари кам эътибор берилди. Собиқ Туризм давлат комитети ўрнатган монополизм ва шунинг оқибатида республика ташкилотларининг манфаатдорлик билан қарамаслиги, туризмнинг инфраструктураси ривожланмаганлиги шунга олиб келдики, туризм соҳасидаги жуда катта имкониятлардан оз фойдаланилмоқда. Ўзбекистонга ҳар йил чет эллардан 60-70 минг сайёҳ келиб кетмоқда, валюта ажратмалари эса уларни қабул қилишдан тушган пулнинг 10 фоизидан ошмайди.

Шу муносабат билан яқинда ташкил этилган республика «Сайёҳ-интур» бирлашмасига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, транспорт, савдо ва қурилиш ташкилотлари билан биргаликда ўз моддий базасини вужудга келтириш билан ҳеч кечиктирмай шуғулланиш таклиф этилди. Собиқ Туризм давлат комитетининг меҳмонхоналарини ва моддий фондларини республика қарамоғига олиб бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш лозим.

Министрликларнинг, халқ депутатлар маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари бу ишга етарлича тайёргарлик кўрмаганликлари ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга халақит бермоқда.

Кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш системасини вужудга келтириш учун ташқи алоқалар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг моддий-техникавий ҳолатини тубдан яхшилаш, Тошкентда ташқи савдо академиясининг филиалини очишга негиз яратиш зарур.

Республикада ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий ва ахборот таъминоти ягона системаси йўқ. Шу сабабли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари жаҳон бозорида муваффақиятли рақобат қила олиш учун зарур бўлган тўла ахборотга эга эмаслар. Ўзбекистонда мунтазам маркетинг тадқиқотлари ўтказадиган мўътабар ташкилотнинг йўқлиги ажнабий харидорларнинг талаб-эҳтиёжига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини бермаяпти.

• *Ўзбекистон ва жаҳон:*

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИДАН

Кўпгина тармоқлар, корхоналар, область ижрокомларининг раҳбарлари ташқи иқтисодий алоқаларни узлуксиз «танишув сафарлари»дан ва валюта маблағларини беҳуда исроф қилишдан иборат қилиб қўймоқдалар. Республика номидан битимлар тузиш нияти тўғрисидаги асоссиз дабдабали протоколлар имзоланмоқда ва ҳатто битимлар қабул қилинмоқда. Унчалик эҳтиёж бўлмагани ҳолда чет эллардан моллар харид қилинмоқда ва бу ишда жиддий бузилишларга йўл қўйилмоқда «Хлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан валютадан фойдаланишга масъулиятсизларча муносабат оқибатида иккинчи даражали эҳтиёжлар учун керакли техника ва товарлар сотиб олинди. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги етиштирилган маҳсулотни қайта ишлайдиган ва асрайдиган машина-ускуналар билан таъминланган, қишлоқнинг социал ва медицина таъминоти ҳаддан ташқари паст даражада турибди. Экспорт базасини анча кенгайтириш, социалистик мамлакатлардаги пахтани сотиб олувчилар билан бевосита шартнома муносабатларини йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг валюта-молия таъминоти системасини барпо этиш вазифасини ҳал қилиш зарур. СССР Госпланида ва бошқа Иттифоқ идораларида социалистик мамлакатларга давлат буюртмалари билан экспорт қилинган пахта толаси учун ажратиладиган ўтиш пуллари тарзидаги валюта маблағлари билан таъминлаш, халқ истеъмол қиладиган импорт товарларни ҳамда ускуналарни кўпайтириш масаласи ҳал этиб берилиши керак.

Министрликларнинг, область ижрокомларининг, корхоналарнинг махсус бўлинмалари, шунингдек, республика ташқи иқтисодий ташкилотлари ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий банки бу ишнинг асосий ташкилотчилари бўлиб қолишлари лозим.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул этилди.

Чет эллар билан ҳамкорликни самарали ривожлантириш, валюта маблағларидан ва импорт машина-ускуналаридан оқилона фойдаланиш, экспорт базасини кенгайтириш учун республика министрликлари, идоралари, корхоналари ва ташкилотларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари жавобгар эканликлари белгилаб қўйилди.

• *Спорт*

ФУТБОЛ:

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

СССР кубоги учун келаси йили якунланадиган кураш иштирокчилари ва биллур соврин учун 1990—1991 йилларга мўлжалланган баҳс қатнашчилари ўртасида қуръа ташланди. Биллур соврин учун чорак финал ўйинлари 20 март куни ўтказилади. Бунда Минск динамочилари «Арарат» ва Москванинг «Динамо» коллективлари учрашуви ғолиби билан майдонга тушадилар. «Локомотив» футболчилари эса «Торпедо» — «Черноморец» ўйини ғолиби билан учрашадилар. Шунингдек, «Металлист» Тбилиси ва Киев динамочиларга ўйинида ютган коллективга руҳсат бўлади. Пойтахт армиячилари «Крилья Советов» футболчилари билан куч синашадилар. Ярим финал ўйинлари 17 апрель, ҳал қилувчи учрашув эса 2 майда ўтказилади.

Биллур соврин учун янгитдан бошланадиган баҳсларда республикамиз командалари ҳам иштирок этишади. Чунончи, «Навбаҳор» — «Нефтчи», «Нефтяник» — «Геолог», «Ёшлик» — «Кузбасс» учрашувлари бўлади. Пахтакорчилар дастлабки учрашувни сафарда Павлодарнинг «Трактор» командаси билан ўтказишади.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р. — 01030. № 13. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12